

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

4-5-сон
(192-193)
2006 й.
январь-
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

22. «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 2 февралдаги ПФ-3717-сон Фармони
24. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 январдаги ПҚ-265-сон қарори
25. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги ПҚ-266-сон қарори
26. «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги ПҚ-272-сон қарори

Учинчи бўлим

27. «Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 январдаги 8-сон қарори
28. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 19 декабрдаги Ф-2400-сон фармойиши)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 январдаги 10-сон қарори
29. «Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарори

Бешинчи бўлим

30. «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 январда 1542-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
31. Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 12 январдаги 9-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 январда 1543-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 21 январдан 3 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

22 «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида

«Зулфия» номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон Фармони билан тасдиқланган «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги низомнинг 1-банди биринчи хатбошидаги «25 ёшгача бўлган» сўзлари «14 ёшдан 22 ёшгача бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 2 февраль,
ПФ–3717-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

24* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дав- лат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қаро- рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 ноябрдаги «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ–3675-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

* 23-модданинг матни рус тилида берилган. Ўзбек тилидаги матни кейинги сонларда берилади.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 январь,
ПҚ-265-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 20 январдаги ПҚ-265-сонли
қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги
ПҚ-66-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон
Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги
низомига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштириш кенгашининг ишчи органи ҳисобланади».

2. 8-бандда:

йигирманчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«д) вакил қилинган республика комиссиялари ва кенгашлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таклифлари асосида корхоналарни банкрот деб эълон қилиш, уларни таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш тартиботини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади»;

йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ж) устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бўлган корхонани судгача санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

йигирма тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«и) таркибий ўзгартирилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботлари қўлланган корхоналарнинг қурилиши тугалланмаган объектларини ва асосий фондларини консервация қилиш ва сотиш масалаларини кўриб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритади»;

мазмунини қуйидагича бўлган йигирма еттинчи—ўттинчи хатбошилар қўшимча равишда киритилсин:

«м) давлат томонидан мадад олган корхоналарни судгача санация қилишни узайтириш ва муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

н) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда, зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш, молиявий соғлом-

лаштириш ва судгача санациялаш ишларини амалга ошириш даврида қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

о) ўз ҳайъати мажлисларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва молиявий соғломлаштириш дастурлари амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди;

п) давлат томонидан қўллаб-қувватланган ёки мулкида давлат улуши бўлган санация қилинадиган корхоналар ташқи бошқарувчилари, шунингдек раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди».

Йигирма еттинчи—ўттиз иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўттиз биринчи—ўттиз олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 10-банд мазмуни қуйидагича бўлган ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«таркибий ўзгартириш ва санация амалга оширилаётган корхоналарнинг ижтимоий инфратузилма объектларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

ўн тўртинчи—ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи—йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 17-банднинг учинчи хатбошидаги «табiiй монополиялар субъектлари фаолияти,» сўзларидан кейин «корхоналарни судгача санациялашни жорий этиш ва узайтириш, иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш,».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

25 «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида

2006 йилнинг юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий кадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидаги масалалар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз

кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг ҳолисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саҳоват ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг қўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутадиган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда «Тиббиёт ходимлари куни» касб байрамини таъсис этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакиллари ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича «Ҳомий-

* Илова берилмайди.

лар ва шифокорлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, оммавий ахборот воситалари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустақамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 23 январь,
ПҚ-266-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

26 Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбариятининг прогнозлар ишлаб чиқиш, кимёвий препаратлардан самарали фойдаланиш, уларни ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича белгиланган талабларга риоя этиш учун жавобгарлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йилда қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш бўйича киритган баланс лойиҳасини пухта ишлаб чиқмаганлиги, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрохимия марказининг бегона ўтлар, ўсимликларнинг зараркундалари ва касалликларига қарши

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

курашиш учун кимёвий препаратларни прогноз қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги фаолиятини етарли даражада мувофиқлаштирмаганлиги қайд этиб ўтилсин.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузурида Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия тузилсин, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳар йилги буюртманомалари асосида тайёр кимёвий препаратлар, таъсирчан моддалар ва компонентларга бўлган эҳтиёжларни, шу жумладан уларни республика корхоналарида ишлаб чиқариш ва импорт бўйича олиб келиш ҳажмларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида кимёвий препаратларнинг тақсимланиши устидан назоратни таъминлаш, пестицидларни қўллаш муддатлари, шунингдек препаратларни сақлаш нормаларига риоя этиш йўли билан улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

республика корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифатига нисбатан қўйиладиган талабларга «Ўзстандарт» агентлигининг ихтисослаштирилган лабораторияларида такрорий ва кириш назорати тизимини қўллаш асосида риоя этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича ишлатилган препаратлар таъсирининг тўлақонли ва самарали эканлигини баҳолашда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

— кимёвий ҳимоя воситалари талон-тарож қилинмаслиги ва уларни сақлаш сифати устидан мунтазам текширишларни ташкил қилиш, яроқлилиқ муддати ўтган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қолдиқларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш. +

Белгилансинки, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири идоралараро комиссиянинг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига нисбатан асосли талаб-эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича амалий ишлашини таъминлаш учун шахсан жавобгар бўлади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Фермер хўжалиқлари уюшмаси:

ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли тор соҳанинг малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кимёвий препаратларга асосли буюртманомаларни аниқлаш ва тузишда;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрохимия марказининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кимёвий препаратлардан самарасиз фойдаланганлик ва сифатсиз ишлов берганлик фактлари аниқланган ҳолларда даъво ишларини ташкил қилиш, ҳатто фермер ва деҳқон хўжалиқларининг хўжалиқ судларига даъво аризаларини бериш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш учун консалтинг марказлари ташкил қилиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда қишлоқ хўжалиқ экинларини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида намунавий шартномани ишлаб чиқсин ва бунда ишлов беришнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлик чоралари аниқ белгилаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратсин.

5. «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда четдан келтириладиган, шунингдек республикада ишлаб чиқарилган тайёр кимёвий препаратлар ва таъсирчан моддаларнинг сифати белгиланган стандартларга мувофиқлигини аниқлаш бўйича ихтисослаштирилган лабораториялар ташкил этилишини таъминласин ҳамда улар Навоий шаҳри ва Сирдарё вилоятининг Ховос посёлкасида жойлаштирилсин.

6. Қўйидагилар белгилансин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзстандарт» агентлигининг ихтисослаштирилган лабораторияларида кимёвий препаратлар ҳамда таъсирчан моддаларнинг намуналари анализини ўтказишга буюртмачи ҳисобланади;

таъсирчан моддалар ва кимёвий препаратлар, жумладан, уларнинг кейинги мавсумга ўтган қолдиқлари «Ўзстандарт» агентлиги ихтисослаштирилган лабораторияларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина улардан фойдаланишга рухсат берилади.

7. «Ўзкимёсаноат» ДАК ўз сифати, таъсир қилиш самарадорлиги ва қадоқланиши бўйича белгиланган стандартларга жавоб берадиган, қиймати бўйича эса хориждаги худди шундай моддалар олдида рақобат устунликларига эга бўлган харид қилинадиган таъсирчан моддалар ва компонентлар асосида республика корхоналарида кимёвий препаратлар ишлаб чиқаришни таъминласин.

Кимёвий препаратларни ишлаб чиқариш ва сақлашнинг технологик режимларига қатъий риоя этилиши ва уларнинг сифати таъминланиши учун шахсий жавобгарлик «Ўзкимёсаноат» ДАК ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

а) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузурида Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низомни, шунингдек вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш борасидаги ҳамкорлик таркиби ва схемасини;

б) Қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан воситалар ва тайёр кимёвий препаратлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссиясининг янгиланган таркиби ва комиссия тўғрисидаги низомни;

в) таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тартибини тасдиқласин, бунда:

тендер савдоларида маҳсулотнинг юқори сифатини ва у ўз вақтида етказиб берилишини кафолатлайдиган кимёвий препаратларнинг эътироф этилган ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари иштирок этишларига йўл қўйилиши;

кимёвий препаратларни етказиб берувчилар «нарх — сифат (самарадорлик)» тамойили бўйича ва таклиф этилаётган препаратларни республика шароитида синаб кўришнинг ижобий натижасини ҳисобга олган ҳолда танланиши назарда тутилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 январь,
ПҚ-272-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

27 Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобкитоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 январь,
8-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 21 январдаги 8-сон қарорига
ИЛОВА

Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 191-моддасига мувофиқ эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотларнинг шундай турар жойларни аниқлаш ва уларни давлат мулкига ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

2. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган турар жойлар эгасиз турар жой деб эътироф этилади.

Мазкур Низомга мувофиқ эгасиз турар жой деб эътироф этилган турар жойлар суд қарори асосида давлат мулкига ўтказилади.

3. Турар жойни эгасиз турар жой деб эътироф этиш ва уни давлат мулкига ўтказиш мақсадида турар жойнинг эгасизлиги ёки эгаси номаълумлиги ҳолати қуйидаги тартибда аниқланади:

эгасизлик белгиларига эга бўлган турар жой аниқланган тақдирда ушбу турар жойнинг эгасини ёки унинг ишончли вакилини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилади. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар турар жойнинг эгасизлик белгилари бўлиши мумкин;

кўрилган чора-тадбирлар натижасида турар жойнинг эгаси ёки унинг ишончли вакили аниқланмаган тақдирда шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг аризаси асосида турар жой кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли органларида ҳисобга қўйилади.

4. Узоқ (6 ойдан кўпроқ) вақт мобайнида бўш турган, яъни ушбу турар жойда қонуний асосларда яшайдиганлар бўлмаганда, бунинг натижасида у ерда қуйидаги ҳолатлар вужудга келган турар жой ушбу Низом мақсадлари учун эгасиз ва ҳисобга қўйиладиган турар жой ҳисобланади:

а) бўш турган ушбу давр учун коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзлар мавжудлиги. Турар жойда яшовчилар йўқлиги бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи томонидан, коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги бўйича эса — уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан тасдиқланади;

б) турар жойнинг бутунлиги ва сақланиши таъминланмаганлиги, бунинг оқибатида турар жойнинг бузилишига ва унга учинчи шахсларнинг кириш учун уринишларига йўл қўйилганлиги. Ушбу ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатининг ички ишлар органлари профилактика инспекторлари иштирокидаги қўшма далолатномаси билан тасдиқланади.

Ушбу ҳолатлар биргаликда ёки алоҳида-алоҳида юз берганда эгасиз турар жойни ҳисобга олиш учун етарли деб эътироф этилиши мумкин.

II. Турар жойни ҳисобга олиш ишларини ташкил этиш

5. Эгасиз турар жойларни аниқлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш функциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 10 февралдаги ПҚ–3-сон қарорига мувофиқ шаҳарлар (туманлар)да ташкил этилган Турар жой фонди сақланиши мониторинги бўйича комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) юкланади.

Комиссия таркибига кадастр, солиқ, молия хизматлари, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари вакиллари киритилади. Комиссияларнинг шахсий таркиби тегишли шаҳар (туман) ҳокими томонидан тасдиқланади.

Комиссияга ҳокимнинг уй-жой коммунал хўжалиги масалаларига мутасадди ўринбосари бошчилик қилади.

6. Комиссиялар ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажарадилар:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқа ташкилотлар, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ахборотлари асосида турар жойларни хатловдан ўтказадилар;

эгасиз турар жойларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлайдилар ҳамда ички ишлар органларидан, Давлат мулки қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан ва бошқа ташкилотлардан бундай турар жойлар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириш учун зарур ахборотларни ва текширилаётган турар жой тавсифини сўраб оладилар;

олинган маълумотлар асосида эгасиз турар жойни аниқлаш учун материаллар (хужжатлар)ни шакллантирадилар ва қарор қабул қилиш ҳамда кўчмас мулкка ҳуқуқларни ҳамда уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органларида ҳисобга олиш учун уларни тегишли ҳокимликка берадилар;

суд ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари асосида эгасиз турар жойлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борадилар.

7. Кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органлари Комиссия сўрови бўйича бинолар ва иншоотларнинг реестр дафтари маълумотларига биноан икки ҳафта муддатда эгасиз турар жойлар эгалари тўғрисидаги ҳамда турар жойларнинг жорий вақтдаги мансублиги ва хатлов баҳоси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Аниқланган эгасиз турар жойлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органлари ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари билан биргаликда бундай турар жойларнинг мансублигини, тавсифини ва тахминий баҳолаш қийматини аниқлаш чора-тадбирларини кўрадилар.

8. Ички ишлар органлари Комиссия сўрови бўйича бир ой муддатда текшири-лаётган турар жойда рўйхатдан ўтганлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар, зарурат бўлганда, қидирув эълон қиладилар ва уларнинг турган жойини аниқлайдилар.

Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг турган жойи аниқланмаган тақдирда, ички ишлар органлари Комиссияга турар жой эгасининг йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотларни тақдим этадилар.

9. Коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари Комиссияга коммунал хизматлар тўлови ва турар жой таъминоти харажатлари (6 ойдан кўп вақт) бўйича мавжуд қарзлар тўғрисида тегишли маълумотларни тақдим этадилар.

III. Эгасиз турар жойларни ҳисобга қўйиш тартиби

10. Аниқланган эгасиз турар жойлар бўйича материаллар Комиссия томонидан кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органларида ҳисобга қўйиш чора-тадбирларини кўриш учун турар жойлар жойлашган жойдаги тегишли ҳокимликка тақдим этилади.

Шаҳар (туман) ҳокимлиги аниқланган эгасиз турар жойлар бўйича материаллар Комиссия томонидан тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўчмас

мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органларига эгасиз турар жойларни ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза жўнатади.

Кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органи аниқланган эгасиз турар жойларни бино ва иншоотларга ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳисобга қабул қилиб олади.

11. Қўйидаги ҳолларда:

эгаси озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётганда;

эгаси даволаниш, ўқиш, меҳнат фаолияти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда;

эгаси Қуролли Кучлар сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда;

эгаси Ўзбекистон Республикаси тиббиёт муассасаларида узоқ муддат даволанаётганда турар жойни ҳисобга олишга йўл қўйилмайди.

12. Турар жой ҳисобга қўйилгандан кейин Комиссия турар жойга кириш жойидаги пешлавҳага ҳисобга қўйилган санаси ва ушбу турар жойнинг эгаси ёки ишончли вакили қайтиб келган тақдирда мурожаат қилиши мумкин бўлган манзил кўрсатилган ҳолда турар жой эгасиз турар жой сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларни жойлаштириши зарур.

Турар жой ҳисобда турган даврда унинг сақланиши устидан қараб туриш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари («Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари) томонидан ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда амалга оширилади.

Турар жой ҳисобда турган даврда коммунал хизматлар ва турар жойни сақлаш харажатлари учун тўлов ҳисобланмайди, марказий иситиш хизматлари бундан мустасно. Турар жойлар ҳисобга қўйилган пайдан бошлаб шаҳар (туман) ҳокимлиги уй-жой мулкдорлари ширкатини ва коммунал хизматлар кўрсатадиган корхоналарни кўрсатиб ўтилган хизматлар учун тўлов ҳисобланишининг тўхтатилиши тўғрисида маълум қилади.

IV. Эгасиз турар жойларни давлат мулкига ўтказиш тартиби

13. Эгасиз турар жойлар ҳисобга қўйилган кундан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган уч йиллик муддат тугагандан кейин шаҳар (туман) ҳокимлиги турар жойни эгасиз турар жой деб эътироф этиш ва давлат мулкига ўтган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилади.

14. Белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган турар жойлар давлат уй-жой фондига киритилади ва ўз мақсадида фойдаланиш, шу жумладан ижара шартномаси шартларида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган фуқароларга бериш учун шаҳар (туман) ҳокимлиги ихтиёрига ўтади.

Белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган турар жойларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Эгасиз турар жойлар яшаш учун яроқсиз деб эътироф этилган тақдирда кўрсатиб ўтилган турар жойлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Уйлари ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда уй-жой фондидан чиқарилади.

Уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал хизматлар кўрсатадиган корхона кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва у билан битишувлар тузиш органининг эгасиз турар жойни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги маълумотномаси асосида кўрсатиб ўтилган коммунал хизматлар (турар жойни сақлаш бўйича хизматлар) учун қарзлар суммасини солиқ солинадиган базага тикламасдан зарар ҳисобига ўтказилади.

V. Турар жойларни ҳисобдан чиқариш тартиби

16. Суднинг қарорига кўра давлат мулкига ўтганлиги эътироф этилмаган эгасиз турар жой уни ташлаб кетган эгасининг эгалигига, фойдаланиши учун ва тасарруф этиши учун қабул қилиниши ёхуд эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида турар жойнинг эгаси ҳисобланмайдиган шахс томонидан мулк қилиб олинishi мумкин.

17. Турар жойни ҳисобдан чиқариш турар жойнинг эгаси ёки унинг ишончли вакили томонидан шаҳар (туман) ҳокимлигига берилган ариза асосида амалга оширилади.

Шаҳар (туман) ҳокимлиги Комиссия билан биргаликда ариза тушган кундан бошлаб уч кун муддатда аризани кўриб чиқади ва кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва уларга оид битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш органига турар жойни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги илтимосномани юборади.

18. Турар жойнинг эгаси ёки унинг ишончли вакили уларнинг турар жойни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқиладиган даврда турар жойда тўсқинликсиз яшаши мумкин.

19. Коммунал хизматлар тўлови ва турар жойни сақлаш бўйича харажатлар, шу жумладан мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган аниқланган сабабларга кўра эгаси бўлмаган турур жойлар бўйича коммунал хизматлар тўлови ва турар жойни сақлаш бўйича харажатлар билан боғлиқ қарзлар мавжуд бўлган тақдирда шаҳар (туман) ҳокимлиги коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва уй-жой мулкдорлари ширкатининг тақдимномасига биноан судларга ҳосил бўлган қарздорликни турар жойларнинг эгаларидан ундириб олиш, шунингдек турар жой эгасининг ўзига тегишли турар жойни сақлаш ва унга қараш бўйича мажбуриятлари турар жойнинг эгаси томонидан бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни ундириш юзасидан даъво киритади.

20. Коммунал-фойдаланиш хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қарзларни ундиришга оид суд ҳужжатларининг мажбурий ижро этилиши «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

28 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 19 декабрдаги Ф–2400-сон фармойиши)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 19 декабрдаги Ф–2400-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартиби тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 49-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 8-модда) 2-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича айрим қарорларини ўзгартириш, уларга қўшимчалар киритиш ва уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илованинг 19-банди учинчи ва тўртинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 11-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илованинг 36-банди саккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 январь,
10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

29 Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сон Фармони хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ-262-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

«Тошэлектротранс» давлат компаниясининг устави 4-иловага мувофиқ;

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси кенгаши таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тендер ҳужжатларини сотиб олганлик учун йўловчи ташувчилардан тушадиган маблағлар;

йўловчи ташувчилардан шаҳар йўловчи транспорти объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва улардан фойдаланганлик учун контрактларда назарда тутилган микдорларда тушадиган маблағлар;

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензиялар берилганлиги учун давлат божининг бир қисми, лицензия бериш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда шаҳар йўловчи транспорти зарар кўрмасдан ишлаш принципига босқичма-босқич ўтказишни назарда тутувчи Ҳаракатдаги таркибни янгилаш, харажатларни камайтириш ва Тошкент шаҳрида йўловчи ташишнинг рентабеллигини босқичма-босқич ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан амалга ошириладиган автобусларда йўловчилар ташишдан олинган фойда электр транспорти ва Тошкент метрополитени кўрган зарарларни қисман қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қайта тақсимланиши мумкин.

* 5-илова берилмайди.

Белгилансинки, зарарларни қисман қоплаш учун йўналтириладиган ва олинадиган маблағлар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти турлари ўртасидаги кўрсатиб ўтилган фойдани қайта тақсимлаш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти тизимини қайта ташкил этиш даврида йўловчи ташиш тарифларининг амалдаги даражасини сақлаб қолишни, харажатларни камайтириш ва йўловчи ташишнинг рентабеллигини босқичма-босқич оширишни назарда тутувчи тадбирлар ишлаб чиқилишини;

шаҳар йўловчи ташиш транспорти иши мувофиқлаштирилишини ва ҳаракат йўналишларида ҳайдовчилар иши очиқ-ойдинлигини таъминловчи 2006—2008 йиллар мобайнида Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 300 та «Мерседес-Бенц» автобуслари харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар бўйича «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг мажбуриятларини белгиланган тартибда «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига қайта расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг мажбуриятлари бўйича илгари берилган кафолатни «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фойдасига қайта расмийлаштирсин.

7. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси ва «Тошэлектротранс» давлат компанияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ–3713-сон Фармонида мувофиқ ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш, шунингдек йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда қатновлар маромига риоя этилиши ва йўловчи ташиш таннархи камайтирилиши учун автобус парклари, трамвай-троллейбус деполари ва тегишли хизматлар бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш тавсия этилсин.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2006 йил 1 апрелгача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ахборот берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 январь,
11-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ–3713-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ–262-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг транспорт соҳасида лицензиялаш, бошқариш ва мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва йўналишлар тармоғини мақбуллаштириш, йўловчилар ташиш бозорида мулкчиликнинг барча шаклларидаги йўловчи ташувчиларнинг эркин рақобати учун шарт-шароитлар яратиш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига ва йўналишларнинг иш жадвалларига риоя қилиш, ҳайдовчилар таркибининг транспорт воситаларини сақлашдан манфаатдорлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун ваколатли таркибий бўлини маси ҳисобланади.

I. Умумий қоидалар

1. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

Департаментнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти;

рус тилида — Департамент по лицензированию и координации движения всех видов пассажирского транспорта хокимията г. Ташкента.

3. Департаментнинг жойлашган ўрни — Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси, 6-уй.

4. Департамент юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган штампга, рамзга ва бошқа хизмат атрибутларига, шунингдек ўз фаолияти учун зарур бўлган реквизицларга эга бўлади.

5. Департамент ўз номидан шартномалар тузиши, мулккий ва номулккий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, жавобгар бўлиши, судда даъвогар ва жавоб берувчи бўлиши мумкин.

6. Департамент ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мулк билан жавоб беради.

II. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

барча транспорт турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбул ҳолга келтириш, лицензиялар бериш ва йўловчи ташиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда шаҳарда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи функцияларини бажариш;

рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барча йўловчи ташувчилар, шу жумладан хусусий йўловчи ташувчилар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шартлар яратиш, жамоат транспорти иши натижаси ва самарадорлигини баҳолаш;

Тошкент шаҳар ҳокимлигига шаҳар автобус ва электр транспортида йўловчилар ташишга чекланган тарифлар белгилаш бўйича молия органлари билан келишилган таклифлар киритиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш, шу жумладан ерусти йўловчи транспортида йўл ҳақи тўлаш ҳисоб-китоби тизимини автоматлаштириш ва шаҳар йўловчи транспорти ҳаракат йўналишларида назорат ўрнатиш.

8. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти барча турлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

шаҳарда йўловчи ташишнинг ягона буюртмачиси вазифасини бажаради, йўловчилар оқими бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш асосида автобус ва микроавтобус йўналишларининг зарур миқдорини белгилайди, йўналишли ва енгил автомобиль таксиларнинг мақбул сонини, шунингдек шаҳар электр транспорти ва метрополитен ҳаракати йўналишлари билан узвий боғлаган ҳолда асосий йўловчилар оқимларини тартибга солади, йўналишларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятига лицензия беради;

шаҳар йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерлар ташкил қилади ва ўтказди, тендер голиблари билан йўналишда шаҳар транспортида йўловчилар ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан контрактлар тузади;

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тақдимномасига биноан транспорт ташкилотларининг йўловчилар ташиш режасини келишиб олади;

Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

халқаро нормаларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарда йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш стандартлари, қоидалари, шакллари ва методлари бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиради;

транспорт ҳаракатини мувофиқлаштиришни ва унинг бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек йўловчи ташувчиларнинг йўналишларда ҳаракатланишга риоя этишларини назорат қилиш учун шаҳарда йўловчилар ташувчиларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни ташкил қилади;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Мо-

лия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда йўловчи транспортда йўл ҳақи тарифларини шакллантиради, йўловчи транспортнинг зарар кўрмасдан фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда транспортда юриш карточкаларига чегирмалар миқдорини белгилайди;

ерусти йўловчи транспортнинг барча турлари учун (таксидан ташқари) йўл чипталари, карточкалар, шунингдек фуқароларнинг айрим тоифалари учун автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар ва метрода имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, йўл карточкалари миқдори ва турларини, шунингдек йўл карточкаларини тарқатувчи корхоналар рўйхатини келишади;

ҳаракатдаги таркиб паркни янгилаш, хизматнинг норматив амортизация муддатида юқори даражада фаол фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаларининг ўз харажатларини ўзи қоплаши бўйича прогноз ҳисоб-китобларни амалга ошириш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишда йўловчи ташувчиларга методологик ва консултантлик ёрдам кўрсатади;

йўловчи ташувчиларнинг белгиланган шакллар бўйича ҳисоботларини йиғиш ва умумлаштиришни ташкил қилади, йўловчи ташувчиларнинг транспортдан фойдаланиш ва молия-ҳўжалик фаолияти кўрсаткичларини, улар томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилади, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигига зарур ҳисоботларни тақдим этади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари

9. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

тендер савдолари натижалари бўйича тузилган контрактлар шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

фавқулодда вазиятларда, шунингдек хизмат кўрсатиш ҳуқуқини йўқотган битта ташувчидан йўналишларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқларини тендер асосида аниқланадиган бошқа ташувчига бериш ўртасидаги даврда кўрсатиб ўтилган йўналишларга (тендерсиз) тўлиқ ёхуд қисман хизмат кўрсатиш ҳуқуқини ваколатли ташувчиларга вақтинчалик бериш;

йўловчи ташувчига аниқланган бузилишларни бартараф этиш вазифасини юклайдиган қарорлар чиқариш ва бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида давлат тегишли органларига таклифлар киритиш.

IV. Департаментни бошқариш

10. Департаментни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради. Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари бўлади, уларни бошлиқ Тошкент шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Департамент бошлиғи мақоми ва моддий-маиший таъминоти бўйича Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарига тенглаштирилади.

11. Департамент бошлиғи:

Департамент фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда, Департаментнинг бошқарув аппарати тузилмасига тасдиқланган ходимлар сони ва уларнинг таъминоти харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритади;

Департамент ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Департаментнинг бўлимлари ва хизматлари ўз фаолиятини Департамент бошлиғи томонидан тасдиқланадиган низомлар ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ амалга оширади.

V. Моддий рағбатлантириш шакли ва тизими

13. Департамент Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда Департамент ходимларининг штат жадвалини тасдиқлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни моддий рағбатлантириш тизими ва шаклини белгилайди.

VI. Департаментнинг мулки ва молиявий маблағлари

14. Департамент ўзига биркитилган давлат мулкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширади.

15. Қуйидагилар Департамент фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

йўловчи ташувчилардан шаҳар йўловчи транспорти инфратузилмаси объектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва улардан фойдаланганлик учун контрактларда назарда тутилган миқдорлардаги тўлов ҳисобига тушадиган маблағлар;

лицензиялар берилганлиги учун давлат божининг бир қисми, лицензия бериш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар;

тендер ҳужжатлари пакетларини сотиб олиш учун йўловчи ташувчилардан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

VII. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат

16. Департамент ўз фаолияти натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

Бухгалтерия ва статистика маълумотлари ишончли бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва шакллар бўйича тақдим этилиши керак.

17. Департамент фаолиятини текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

VIII. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш

18. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига
2-ИЛОВА

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Тошкент шаҳрида, шу жумладан шаҳар атрофида йўловчиларни автомобиль транспортида тижорат асосида ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва авария-қутқариш ва тиклаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

3. Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга оширишга лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) томонидан қабул қилинади.

4. Тошкент шаҳрида, шу жумладан шаҳар атрофида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш ҳуқуқининг қуйидаги турлари учун намунавий (оддий) лицензиялар берилди:

йўловчиларни шаҳарда ва шаҳар атрофида автобусларда ташиш;

йўловчиларни шаҳарда ва шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш;

йўловчиларни шаҳарда ва шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш.

Лицензиатнинг ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия билан биргаликда лицензия карточкалари берилди. Лицензия карточкаларини бериш тартиби Департамент томонидан белгиланади.

Лицензиатнинг лицензия карточкалари билан таъминланмаган автомобиль транспортдан фойдаланган ҳолда олган даромади (фойдаси) ноқонуний ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга олиб қўйилиши керак.

5. Лицензия 5 йил муддатга берилди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия карточкаси лицензиянинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга берилди. Агар ашёвий ҳуқуқларнинг ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати лицензиянинг амал қилиш муддатидан кам бўлса, лицензия карточкасининг амал қилиш муддати ашёвий ҳуқуқлар

ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати билан чекланади. Лицензия карточкасининг амал қилиши лицензия карточкаси берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларни керакли нарсалар билан таъминлашда қонун ҳужжатларига, ташиш қоидаларига, экология талабларига мажбурий риоя қилиниши, йўл-транспорт ҳодисларининг олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши;

б) юридик шахснинг штатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган, тегишли лавозимни эгаллаш ҳуқуқи учун Департамент томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлиши;

в) лицензиат фойдаланаётган ҳар бир автотранспорт воситасида лицензия карточкаси мавжуд бўлишини таъминлаш;

г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ходимларининг автомобиль транспортида тегишли ташишларни амалга ошириш чоғида қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли ташилиши;

е) тендер натижалари бўйича Департамент билан шартнома асосида йўловчиларни автомобилда мунтазам ташиш (енгил автомобиль таксилардан ташқари);

ж) ташиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш, автотранспорт воситасини техник соз ҳолатда сақлаш, уни асраш, техник кўриқдан ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан олдин техник кўриқдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

з) янгидан олинаётган ва тўлдириляётган автотранспорт воситаларига лицензиатлар томонидан қўшимча лицензия карточкалари ўз вақтида олинishi.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (юридик манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга оид маълумотлар ва ҳайдовчилик гувоҳномаси, почта манзили; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) мавжуд автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Йўл ҳаракати хавф-

сизлиги давлат хизматининг тегишли бўлинмаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз эканлиги тўғрисида белги қўйилган автотранспорт воситаси техник паспортининг ёки автотранспорт воситалари гуруҳи техник кўриқдан ўтказилганлиги далолатномасининг (юридик шахслар учун) ёхуд якка бир транспорт воситасининг кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг (якка тартибдаги тадбиркорлар учун) нусхаси;

г) лицензия талабгорида ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ва автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ёхуд лицензия талабгорининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўриқ ва техник кўриқдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси нусхаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

д) якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ходимлари малакасининг белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

е) юридик шахслар учун — юридик шахснинг йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларининг тегишли аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

ж) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб этишга йўл қўйилмайди.

8. Ҳужжатлар Департаментга лицензия талабгори томонидан лицензиялаш бўлимига бевосита, ёхуд улар олинганлигини тасдиқловчи билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали берилади.

Ҳужжатлар Департаментнинг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

9. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун:

жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди;

ўнтагача автотранспорт воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди, ўнта ва ундан ортиқ автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

10. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Департаментнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик ёки жисмоний шахс ўз ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида берилган аризадан воз кечган тақдирда йиғим қайтарилмайди.

11. Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

12. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари намуналари Департамент томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усули-

да тайёрланади. Лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун Департамент раҳбари жавоб беради.

13. Лицензия талабгорига шаҳарда автомобиль транспортида йўловчилар ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Департамент лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

14. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензия ва лицензия карточкалари Департамент томонидан лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади.

Лицензия Департамент бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва лицензиатларга Департамент томонидан берилади.

15. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида Департаментга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда, Департамент лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

16. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек Департамент мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензия битимлари, лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

19. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битимлари Департамент ва лицензиат ўртасида тузилади ҳамда уларда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган фаолият турининг (ёки фаолият тури қисмларининг) номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини Департамент томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензия ва Департамент учун бир нусхадан тузилади.

20. Лицензия — юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда лицензия ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида Департаментга ариза бериши шарт.

Лицензия — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда лицензия қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида Департаментга ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензия лицензияда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Департамент лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш Департамент томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

22. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиянинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензия томонидан Департаментга лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишига қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

23. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиянинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

24. Лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда Департамент:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузади;

лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, ёхуд лицензияни бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқаради ёки судга мурожаат қилади;

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юборади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

25. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Департаментнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Департамент лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

27. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

VIII. Лицензиялар реестри

28. Департамент белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, телефони;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;
умуман фаолият турига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;
лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
дубликат беришнинг асослари ва санаси.

29. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида Департаментга ҳақ тўлаб олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов Департаментнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

30. Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташишга лицензиялар берилганлиги ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади. Автотранспорт воситалари сони тўлдирилган (кўпайтирилган) тақдирда давлат божи ҳар бир лицензия карточкаси учун қўшимча равишда ундирилади.


Лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари Департаментнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, унинг 75 фоизи республика бюджетига йўналтирилади, қолган маблағлар Департамент томонидан белгиланган тартибда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш учун фойдаланилади, маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметага мувофиқ Департамент харажатларига сарфланадиган қисми бундан мустасно.

X. Лицензияловчи органнинг жавобгарлиги

Мазкур Низом нормалари ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун Департамент белгиланган тартибда жавоб беради. Бунда лицензия талабгорлари ҳужжатларидаги лицензия талабгорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берган камчиликлар ва бошқа ноаниқликларни бартараф этиш Департамент томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш схемаси (юридик ва жисмоний шахслар)



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерларни ташкил этиш
ва ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни ташкил этиш тартиби ва уларни ўтказиш шартларини белгилайди ҳамда автотранспорт воситалари билан йўловчилар ташиш учун мажбурий ҳисобланади.

2. Қуйидагилар:

кўча-йўл тармоғида кўзда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда, алоҳида участкалар, транспорт узеллари ва майдончалари ёпилганда киритиладиган вақтинчалик йўналишлар бўйича;

корхоналар, ташкилотлар буюртмаси бўйича соатбай ҳақ тўлаш асосида;

ташкилотлар ходимларини иш ва яшаш жойига ташиш махсус йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ташишлар тендер асосида жойлаштирилмайди.

3. Тендер савдоларида юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар, шу жумладан хусусий ташувчилар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида таъсис ҳужжатлари, молиявий иштирок этиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган, бевосита бир-бири билан ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташувчиларнинг муқобил талабгор сифатида иштирок этиши тақиқланади.

4. Қуйидаги ҳолларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда матнда — Департамент деб юритилади) очиқ тендерлар буюртмачиси ва ташкилотчиси ҳисобланади ҳамда:

йўловчиларнинг барқарор оқими ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган шарт-шароитлар, йўналишнинг техник-фойдаланиш кўрсаткичлари, шу жумладан ҳайдовчилар таркибига талаблар мавжуд бўлган, йўналиш тўғрисида асосий маълумотлар тавсифи кўрсатилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўналиш ҳужжатларига эга бўлган янги йўналишлар очилган;

Департамент ва ташувчи ўртасидаги йўловчилар ташишнинг амалдаги йўналишига хизмат кўрсатиш бўйича шартнома (контракт) тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда тендер ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Очиқ тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда контрактлар тузиш 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Тендерга йўналишлар алоҳида-алоҳида ёки пакетда қўйилади. Йўналишлар пакетларини шакллантиришда йўналишларнинг аҳамиятлилиги ва уларнинг рентабеллиги ҳисобга олинади. Пакетга рентабелли йўналишлар билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур ижтимоий йўналишлар ҳам киритилади.

6. Тендер камида иккита қатнашчи мавжуд бўлганда ўтказилади. Агар йўналишлар пакетига ёки йўналишга фақат битта ташувчи талабгор бўлса, у ҳолда тендер комиссияси ушбу ташувчининг тендер таклифлари қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши шартларида тендер ўтказмасдан ушбу ташувчига йўналишлар пакетида ишлаш ҳуқуқини бириктириб қўйишга ҳақлидир.

Тендерда қатнашиш учун буюртмалар бўлмаган тақдирда Департамент тендерни такрор ташкил этиши керак, бунда йўналишлар пакетига ёки йўналишга талабларни қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади.

II. Очик тендерларни ташкил этиш

7. Департамент тендерга қўйиладиган йўналишлар пакетлари рўйхатини тайёрлайди, тендер ҳужжатлари пакетини шакллантиради, тендер ўтказилишидан 30 кун олдин бўлажак тендер тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради, эълонда тендер ташкилотчиси, тендер ўтказиш санаси, вақти ва ўтказиш жойи, тендерга қўйиладиган йўналишлар номи, тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун буюртма бериш ҳамда тендер таклифларини топшириш муддатлари, пакет олиш учун тўлов шартлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

8. Тендер ҳужжатлари пакети қуйидагиларни ўз ичига олади:

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом;

қатнашчи тўғрисидаги маълумотлар шакли;

тендер қатнашчиси учун йўриқнома;

тендерга қўйилган йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар;

қатнашчининг тендер таклифлари шакли;

йўналишда йўловчилар ташиш транспорти билан хизматлар кўрсатиш учун контрактнинг намунавий шакли;

тендер таклифлари ва қатнашчи тўғрисидаги маълумотлар учун битта катта конверт. Конвертга тендерга қўйиладиган йўналишлар пакети ёки йўналиш номи ёзилади. Тендер қатнашчисининг бирортасини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлмаслиги учун конвертда ҳеч қандай белги ёки фарқловчи белгилар бўлмаслиги керак. Тендерда қатнашиш учун талабгорга тендер ҳужжатлари пакетини бериш рақамланган ва ип билан тикилган махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

9. Очик тендерда қатнашишни хоҳловчилар Департаментга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун ёзма буюртманома беришлари керак. Барча буюртманомалар рақамланган ва ип билан тикилган махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

10. Талабгорга тендер ҳужжатлари улар учун ҳақ тўлангандан кейин берилди. Тўлов миқдори танлов ҳужжатларини тайёрлаш, кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда Департамент томонидан тасдиқланади. Тушган маблағлар Департаментнинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан тендерлар ўтказишни ташкил этиш учун фойдаланилади.

11. Талабгорнинг ёзма сўровномаси бўйича Департамент тендер ҳужжатларининг моҳияти ва мазмуни билан боғлиқ тушунтиришларни ёзма шаклда бериши шарт.

12. Тендер голибини танлаш бўйича функцияларни бажариш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таркибига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳри бўлинмалари масъул ходимлари киритиладиган тендер комиссияси тузилади. Тендер комиссиясига Департамент бошлиғи бошчилик қилади.

13. Агар йиғилишда тендер комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми иштирок этса, тендер комиссияси қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади.

Комиссия қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

III. Тендер қатнашчисига қўйиладиган талаблар

14. Тендер қатнашчиси солиқ органларида ҳисобда туриши ва шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқи учун тегишли лицензияга эга бўлиши ҳамда тендер таклифларида тавсия қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлиши шарт. Тендер қатнашчиси битта автотранспорт воситасини турли йўналишларга тавсия этиш ҳуқуқига эга эмас.

15. Тендер натижасига таъсир қиладиган, қўйиладиган талабларга мувофиқлиги тўғрисида нотўғри маълумотлар аниқланган ҳолларда тендер комиссияси қарорига кўра талабгор тендерда қатнашишдан четлатилади.

16. Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ёхуд мол-мулки хатловга олинган талабгорларнинг тендер савдолари тартиботларида қатнашишига рухсат берилмайди.

IV. Тендер таклифларини танлаш мезонлари ва таклифлар мазмуни

17. Тендер таклифлари қуйидаги кўрсаткичлар ва маълумотлардан иборат бўлади:

- а) бир нафар йўловчи йўл ҳақи учун тариф даражаси (сўм);
- б) автотранспорт воситасининг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили;
- в) ташишлар учун таклиф этилаётган автотранспорт воситаларидаги йўловчилар умумий сифими;

г) автотранспорт воситаларининг иш вақти (соат);

д) йўналишдаги қатновлар оралиғи (дақиқа);

е) йўналишлардаги қатновлар сони.

Қатнашчи тендер таклифларининг барча бандлари бўйича тўлиқ ва муфассал маълумот тақдим этиши шарт.

18. Талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тендер таклифлари Департаментга ёпиқ конвертда тақдим этилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин тўхтатилади.

Тақдим этиш муддати тугагандан кейин тушган тендер таклифлари кўриб чиқилмайди.

19. Тендер таклифлари топширилгандан кейин қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

V. Тендер таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш

20. Қатнашчилардан тушган тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси тузадиган баҳолаш (ҳисоблаш) гуруҳи томонидан амалга оширилади.

21. Тендер таклифлари қуйидаги тарзда кўриб чиқилади ва баҳоланади:

а) автобус йўналишларида бир нафар йўловчи йўл ҳақи учун тариф даражаси — даражани камайтиришнинг ҳар бир пункти учун ортиб боровчи коэффициент қўлланган ҳолда ўн балли тизим бўйича;

б) йўналишли таксилар йўналишларида бир нафар йўловчи йўл ҳақи учун тариф даражаси — табақалаштирилган баллар бўйича;

в) автотранспорт воситасининг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили — табақалаштирилган баллар бўйича;

г) ташишлар учун таклиф этилаётган автотранспорт воситаларидаги йўловчилар умумий сифими — табақалаштирилган баллар бўйича;

д) автотранспорт воситалари иш вақти варианты — иш вақтини кўпайтиришнинг ҳар бир пункти учун ортиб боровчи коэффициент қўлланган ҳолда беш балли тизим бўйича;

е) тифиз пайтлар ўртасидаги вақтда йўналишдаги қатнов оралиғи (дақиқа) даражаси — ҳар бир қатнов оралиғини қисқартиришнинг ҳар бир пункти учун ортиб боровчи коэффициент қўлланган ҳолда беш балли тизим бўйича;

ж) йўналишдаги қатновлар сони учун — талаб қилинган қатновлардан ортиқ таклиф қилинаётган ҳар бир қатнов учун ортиб боровчи коэффициент қўлланган ҳолда беш балли тизим бўйича.

Балларнинг табақалаштирилган шкаласи автобусларнинг ҳаракатдаги таркиби русуми (тури) ва уларнинг ишлаб чиқарилган йили учун 2-иловага мувофиқ ҳамда тифиз пайтда таклиф этилаётган қатнов оралиғи учун 3-иловага мувофиқ аниқланади.

22. Тендер комиссияси ҳар бир қатнашчи бўйича тендер таклифларининг дастлабки якуний баҳоларини аниқлайди ва эълон қилади.

23. Контракт имзоланишидан олдин (тендер ўтказилгандан кейин 3 кун мобайнида) Департамент талабгорлар тендер таклифларининг ҳақиқийлигини экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига эга.

24. Тендер ғолиби тендер ҳужжатларининг нотўғрилиги аниқланганда, ёхуд тендер ғолиби ўз ташаббусига кўра контракт тузишни рад этганда Департамент энг юқори баллар миқдори бўйича навбатдаги талабгорни ғолиб деб эътироф этиш ёхуд тендер савдоларини такрор ўтказиш ҳуқуқига эга.

25. Агар танлов натижалари бўйича бир нечта талабгор тенг балл тўплаган бўлса, ғолиб тендер комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш йўли билан аниқланади.

26. Тендер комиссиясининг тендер ғолибини аниқлаш бўйича мажлиси натижалари комиссия аъзолари имзолайдиган ва Комиссия раиси тасдиқлайдиган протокол билан расмийлаштирилади.

Тендер ғолибига тендер бўйича ютилган ушбу йўналишлар пакетида ёки йўналишда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берилади. Гувоҳнома Департамент бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

27. Ғолиб билан тузилган контрактни имзолаш муддати тендер ўтказилгандан кейин 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Департамент тендер комиссиясининг қарори асосида тендер ғолиби билан 4-иловага мувофиқ шакл бўйича, камида 3 йил ва кўпи билан 5 йил муддатга йўналишларда транспортида йўловчилар ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан контракт тузади.

Контракт йўналишлар пакетидаги ҳар бир йўналиш учун алоҳида-алоҳида тузилади.

Департаментнинг мурожаатига кўра тендер комиссияси қонун бузилишига йўл қўйган ташувчи билан тендер контрактини бекор қилиш масаласини ҳал қилади.

Йўналишлар пакетига тузилган контрактлардан ҳатто биттаси бекор қилинганда ҳам, йўналишлар пакетидаги қолган йўналишларга тузилган контрактлар ҳам бекор қилинади.

Ташувчи томонидан контрактлар бўйича барча иш шартларига риоя қилинган тақдирда, Департамент тендер комиссиясининг қарори асосида контрактларнинг амал қилиш муддатини тендер ўтказмасдан бир йилга узайтиради.

28. Тендернинг ҳар бир қатнашчиси ёзма мурожаат бўйича комиссиядан тендер таклифларини баҳолаш натижаларини ёзма шаклда олиш ҳуқуқига эга.

VI. Тендер савдолари қатнашчиларининг жавобгарлиги

29. Департамент:

тендер ҳужжатларини сотиб олган талабгорларга ўз вақтида хабар бермасдан ва тендер таклифларини тузатиш учун етарли вақтда тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтирмасдан тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар тендер ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритганлиги;

аризалар ва тендер таклифларини қабул қилишни рад этганлиги, уларни ҳисобга олишни, конверт очилгунга қадар махфийлигини ва сақлашни таъминламаганлиги;

тендер қолиби билан шартнома тузиш муддатини бузганлиги;

ташувчи билан тузилган контракт бўйича назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлиги;

томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар бажарилгандан кейин уч йил мобайнида тендер таклифларининг сақланиши;

тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-қоидаларининг бошқача тарзда бузилишлари учун жавоб беради.

30. Тендер комиссияси:

тендер савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича кам овоз билан ва/ёки тендер таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарорлар қабул қилинганлиги;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишдаги ҳуқуқлари бузилганлиги;

талабгорларга нисбатан тендер ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгилаганлиги;

таъсис этиш, молиявий иштирок этиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган, бевосита бир-бири билан ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларни, шунингдек қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мол-мулки хатловга олинган талабгорларнинг тендерда қатнашишга қўйилганлиги;

талабгор тендерда қатнашишдан асоссиз четлатилганлиги;

ахборотлар ошкор этилганлиги, тендер комиссияси аъзолари ёки жалб қилинган мутахассислар ўртасида савдолар қатнашчилари билан келишишга йўл қўйилганлиги, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун;

тендер қолибини эълон қилиш тартиб-қоидаси бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчилар ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

тендер тартиб-қоидаларининг бошқача тарзда бузилишлари учун жавоб беради.

31. Тендер қолиби:

тузилган контракт шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги;


тендер шартларини бажариш мониторинги учун нотўғри ахборотлар тақдим этилганлиги;

контракт шартларининг бошқа тарзда бузилишлари учун жавоб беради.

32. Тендер тартиб-қоидалари бўйича пайдо бўлган келишмовчилик ва низолар, Департамент ёки тендер бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда контрактлар тузиш схемаси



Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш
йўналишларини жойлаштириш учун очик
тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Автобусларнинг ҳаракатдаги таркиби русуми (тури) ва унинг фойдаланиш йиллари учун балларнинг ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ШКАЛАСИ

1.1. Автобуслар йўналишларидаги автобуснинг русуми (тури) учун:

Русуми (типи)	Ҳаракатдаги таркиб бирлиги учун баллар сони
Мерседес-Бенц (модификацияси)	10,0
Икарус (модификацияси)	8,0
ЛАЗ, ЛИАЗ, ДЭУ (модификацияси)	6,0
ПАЗ, Отайўл (модификацияси)	4,0
КАВЗ (модификацияси)	2,0

1.2. Йўналишли такси линияларидаги микроавтобуслар ва мидибуслар русуми (тури) учун:

Русуми (тури)	Ҳаракатдаги таркиб бирлиги учун баллар сонини
23 кишидан ортиқ одам сиғадиган мидибуслар	10,0
18 кишидан 23 кишигача одам сиғадиган мидибуслар	8,0
15 кишидан 18 кишигача одам сиғадиган микроавтобуслар	6,0
12 кишидан 15 кишигача одам сиғадиган микроавтобуслар	4,0
8 кишидан 12 кишигача одам сиғадиган микроавтобуслар	2,0

Изоҳ: Ташувчи тавсия қилган автобуслар русумлари бўйича аниқланган баллар йўналишнинг техник-фойдаланиш тавсифига мувофиқ жамланади ва талаб қилинадиган транспорт воситаларининг режадаги сонига бўлинади.

Масалан: Йўналишда 6 та жадвал (ёки ЛАЗ русумли 6 та автобус) назарда тутилади. Ташувчи томонидан 8 та ПАЗ автобуси таклиф этилади. Баллар сони = 8 авт. х 4,0 балл : 6 та жадвал = 5,33.

2. Ҳаракатдаги таркибдан фойдаланиш йиллари:

Фойдаланиш йиллари	Ҳаракатдаги таркиб бирлиги учун баллар сони
1 — 3 йил	10,0
3 — 5 йил	8,0
5 — 8 йил	6,0
8 — 10 йил	4,0
10 йилдан ортиқ	2,0

Изоҳ: Фойдаланиш йилларига кўра ҳар бир транспорт воситаси бўйича аниқланган баллар жамланади, сўнгра ташувчи томонидан тавсия этилаётган автобуслар сонига тақсимланади.

3. Ҳаракатдаги таркибнинг умумий сифими учун (беш балли тизим):

Ҳаракатдаги таркиб русуми	Паспорт бўйича умумий сифими	Тузатувчи коэффициент	1 та ҳаракатдаги таркиб учун баллар сони
Ҳисоблаб чиқиш учун мисол:			
1. Техник-фойдаланиш параметрлари даражаси бўйича базавий (талаб қилинадиган) автобус сифатида ЛАЗ 695 автобуси тавсия қилинади	62	1,0*	5,0
2. Ташувчи тавсия қилаётган сизим:			
1-вариант:	110	1,77*	8,85
2-вариант:	37	0,6	3,0

Тузатувчи коэффициент тавсия этилаётган сизимни техник-фойдаланиш параметрлари даражаси бўйича базавий автобус сизимига (ушбу мисолда-ЛАЗ 695 автобуси сизимига) тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Тиғиз вақтларда ҳаракатланишнинг тавсия этилаётган
оралиғи учун балларнинг
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ШКАЛАСИ**

Ҳаракатланиш оралиғи (дақиқа)	Бериладиган балл	Ошириш коэффициенти	Энг юқори балл
1. Техник-фойдаланиш параметрлари бўйича талаб қилинадиган оралиқ	5,0	х	х
2. Тавсия этилаётган оралиқ дақиқа			
3. Оралиқни қуйидагича камайтирганлик учун:			
3 дақиқага	5,0	1,05	5,25
6 дақиқага	5,0	1,1	5,5
9 дақиқага	5,0	1,15	5,75
12 дақиқага	5,0	1,2	6,0
15 дақиқага	5,0	1,5	7,5
15 дақиқадан ортиқ	5,0	2,0	10,0

Изоҳ: Тиғиз вақтларда йўналишдаги ҳаракатланиш оралиғи айланиб чиқиш вақтини ишлаётган автобуслар сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Ҳисоблаб чиқиш учун мисол:

	Йўналишга қўйилган талаблар	ташувчи таклиф этаётгани
а) тиғиз вақтлар (соат 10 дан 17 гача)	7 соат	7 соат
б) автобуснинг айланиб чиқишига кетган вақт	1 соат	1 соат
в) ишлаётган автобуслар сони	4 та	5 та
г) оралиқ (дақиқа)	15 дақиқа	12 дақиқа

Оралиқни 3 дақиқага камайтирганлик учун 5,25 балл берилади.

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш
йўналишларини жойлаштириш учун очик
тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

(йўналишнинг номи)

**Йўналишида шаҳар транспортда йўловчилар ташиш
бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан
НАМУНАВИЙ КОНТРАКТ**

200_йил «___» _____

Тошкент шаҳри

Тендер комиссияси қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи ташиш транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти номидан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталадиган бошлиқ _____ бир томондан ва кейинги ўринларда «Ташувчи» деб аталадиган _____ номидан раҳбар _____ иккинчи томондан ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар:

1-модда. Контракт предмети

1.1. 200_йил «___» _____ дан бошлаб «Буюртмачи» «Ташувчи»га _____-сон автобус/микроавтобус йўналиши бўйича ушбу контрактда келишилган шартларда йўловчилар ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш мутлақ ҳуқуқини беради (йўналишнинг техник-фойдаланиш тавсифи ва унга қўйиладиган талаблар 1-иловада, йўналиш схемаси — 2-иловада кўрсатилган).

1.2. Йўналишда йўловчилар ташиш учун Ташувчи чап томонли бошқаруви ҳамда йўловчилар учун ўнг томонда жойлашган ҳамда йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун қулайликни таъминловчи эшиклари бўлган қуйидаги ___ та автобус/микроавтобусдан фойдаланади:

Т/р	Автобуслар/ микроавтобуслар русуми	Давлат рақами	Ўриндиқлар сиғими	Умумий сиғими
1.				
2.				
3. ва ҳ. к.				

2-модда. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. «Буюртмачи» қуйидагиларга мажбур:

Ташувчини йўловчи ташишларнинг асосий шартлари, ҳаракатланиш йўналиши ва ҳоказолардаги ўзгаришлар тўғрисида олдиндан (қоидага кўра, икки ҳафта олдин) хабардор қилиш;

Ташувчига транспортда текин ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар тоифалари рўйхатини такдим этиш;

шаҳар йўналишларида йўловчи транспортнинг бир маромдаги фаолиятини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ташувчига диспетчерлик хизматлари кўрсатиш, 3-иловага мувофиқ шакл бўйича назорат-диспетчерлик ҳужжатларини юритиш;

бир ой муддатда Ташувчидан ҳаракатланиш оралиқларини, автобуслар, микроавтобуснинг катталиги ва миқдорини, тарифларни ўзгартириш йўли билан ташишлар самарадорлигини ошириш масалалари бўйича тушган таклифларни кўриб чиқиш ҳамда унга асосланган ёзма жавоб бериш;

йўловчи ташиш транспорти иши юзасидан шикоятларни кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш;

транспортда текин юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчиларни ташиш билан боғлиқ даромадлар камайишини қоплаш, шунингдек тарифларнинг чекланган даражалари қўлланилиши муносабати билан кўриладиган зарарларни қоплаш масаласини ваколатли органлар билан биргаликда ҳал этиш;

транспортда юриш карточкаларини сотишдан тушган даромадларни, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташувчилар ўртасида қонунчилик талабларига мувофиқ тақсимлаш;

ташиш жараёнини ташкил этишда, кўча-йўл тармоқларининг ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган зарур ҳолатда бўлишини таъминлашда ёрдам кўрсатиш.

2.2. Ташувчи қуйидагиларга мажбур:

йўловчиларни сифатли ташишни ва юқори хизмат кўрсатиш маданиятини, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи юзасидан тегишли тоифага, шунингдек йўловчилар ташишда камида 3 йил иш стажига эга бўлган ҳайдовчи кадрлар танлашни таъминлаш;

ушбу контрактнинг бутун амал қилиш муддати мобайнида транспорт хизмати кўрсатиш учун биркитилган йўналишда йўловчиларни мунтазам ташишни ташкил қилиш ва бажариш;

_____ соат _____ дақиқадан _____ соат _____ дақиқагача белгиланган иш режимига риоя қилиш, ҳаракатланишнинг белгиланган жадвалларига мувофиқ _____ жадвалини ва _____ рейсларини таъминлаш (автобуслар/микроавтобусларнинг иш жадвали шакли намунаси 4-иловада берилган);

бир марталик чипталарни сотиш йўли билан тушумлар йиғишни ва уларни кундузги ва кечки вақтларда инкассация қилишни таъминлаш;

йўловчилар ташишга 1 нафар йўловчи учун _____ сўм миқдоридagi тарифни қўллаш;

рейслар, йўловчилар сони, даромадлар йиғими бажарилиши таҳлили ва ҳисобини, йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобини юритиш ҳамда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг бажарилишини назорат қилиш;

ҳаракатдаги таркибга ўз вақтида техник хизмат кўрсатилишини, салон ташқарида ва ичида йиғиштириш-ювиш ишларини, рейсга чиқишдан олдин ҳаракатдаги таркибни техник кўрикдан ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни таъминлаш;

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика учун асбоб-ускуналар, кўтариш мосламалари ёки кўздан кечириш хандақлари, назорат-ўлчаш приборлари, асфальт ёки бетон қопламали текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда; техник хизмат кўрсатиш станцияларида; диагностика станцияларида ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техник назорат постларида йўловчи ташиш транспортини техник кўрикдан ўтказишни ўз вақтида ташкил этиш;

йўловчилар ташиш учун белгиланган талабларга мувофиқ бўлган ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш;

ҳар қайси транспорт бирлиги салоида кўринарли жойда ҳайдовчи (фамилияси, исми, отасининг исми) тўғрисидаги маълумотларни, Йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларидан кўчирмани, марказий диспетчерлик хизмати, Ташувчи телефонлари рақамларини, йўл ҳақи тарифларини, транспортда текин ва/ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган тақдирда автобус салоида люкларни, ойналарни, эшикларни шошилинч очиш ва ойналарни кўчириш усуллари тўғрисидаги кўргазмали маълумотларни, ўт ўчириш анжомлари ва аптечкаларни жойлаштириш, авария вақтидаги чиқиш жойларини кўрсатиш;

Буюртмачига диспетчерлик пункти орқали йўналишнинг кўча-йўл тармоқларининг ҳаракатланиш ёки йўловчилар ташиш хавфсизлиги талаблари ва шартларига жавоб бермайдиган участкаларидаги мавжуд тўсиқлар тўғрисида ўз вақтида хабар қилиш.

2.3. Йўналишдаги иш вақтида ҳайдовчилар қуйидагиларга мажбур:

ушбу контрактнинг нусхасига, шаҳарда йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия карточкасига, йўналиш ҳужжатларига, йўл ва чипта-ҳисоб варақасига, линияга чиқишдан олдин йўл варақаларида автотранспорт воситасининг техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги қайдларга, ҳаракатланиш жадвалига ва йўналиш схемасига эга бўлиш;

транспортда текин ва/ёки имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчиларни тўскинликсиз ташиш;

ҳаракатланиш жадвалига риоя қилиш ва Буюртмачининг линия-диспетчерлик пунктларида, сотилган чипталар сонини кўрсатган ҳолда, рейслар бўйича қайдларни амалга ошириш;

йўловчиларга ҳар бир тўхташ жойи ва ундан кейинги пункт номини тўғри ва аниқ эълон қилиш, йўналиш ўзгарган тақдирда эса — бу тўғрида ҳар бир бекатда эълон қилиш, йўловчиларга автобус/микроавтобус салоида ҳулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш ҳамда йўл ва багаж ҳақини ўз вақтида тўлаш зарурлиги тўғрисида эслатиш;

йўловчиларни фақат йўналишнинг тўхташ пунктларида транспортга чиқариш ва ундан тушириш (тўхташ пунктларида транспортга чиқариш ва ундан тушириш йўловчилар талаби бўйича амалга ошириладиган йўналишли таксилардан ташқари);

салонда спиртли ичимликлар ичишга, чекишга, транспорт воситаси ишлаётган вақтда пайдо бўладиган нохуш ҳидларнинг бўлишига йўл қўймаслик;

транспорт воситаси тизимларида ва механизмларида автобус/микроавтобуслардан кейинги фойдаланиш чоғида ҳаракатланиш хавфсизлигига хавф туғдирадиган техник носозликлар мавжуд бўлган ҳолларда автобус/микроавтобусни тўхтатиш, барча эшикларини очиш, зарурат бўлганда эса авария люкларини ҳам очиш, салондан йўловчиларни тушириш, уларни ушбу йўналишда қатнайидиган бошқа автобус/микроавтобусга айнан шу чипталар билан чиқариш;

Буюртмачининг ҳамда текшириш ва кўрикдан ўтказиш учун тегишли ваколатлари бўлган назорат органларининг биринчи талабига кўра транспорт воситасини кўздан кечиришга рухсатномаси бўлган шахсга зарур маълумотларни тақдим этиш ва ёрдам кўрсатиш;

йўловчилар учун бирон-бир ноқулайлик туғдирмасдан уларга йўл чипталари сотиш;

Йўл ҳаракати қоидаларига, Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларга риоя қилиш.

2.4. Кўрсатилган диспетчерлик хизматлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспорти инфратузилмаси объектлари (автостанциялар, тўхташ пунктлари)дан фойдаланганлиги учун Ташувчи ҳар ойда _____ сўм миқдоридида ҳақ тўлайди. Пул маблағлари Буюртмачининг ҳисоб рақамига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-қунидан кечикмай ўтказилади.

3-модда. Томонларнинг ҳуқуқлари

3.1. Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Буюртмачига йўналишни ўзгартириш ёки ёпиш, транспорт воситаларининг режадаги сонини, жадвалларни, иш режимини қайта кўриб чиқиш, йўловчилар ташиш тарифларини ўзгартириш бўйича асосланган таклифлар киритиш;

Йўналишнинг кўча-йўл тармоғи ҳаракатланиш хавфсизлиги ёки йўловчилар ташиш талаблари ва шартларига жавоб бермайдиган участкаларида йўловчилар ташишни бажаришни рад этиш ёки тўхтатиш;

Буюртмачи билан келишув бўйича автотранспорт воситасини, тегишли лицензия карточкаси билан таъминлаган ҳолда, айнан шундай автомобиль билан алмаштириш;

Белгиланган тартибга мувофиқ йўл карточкаларини сотишдан даромад олиш ва транспортда текин ёки имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчиларни ташиш муносабати билан йўқотилган даромадлар учун компенсация олиш;

ташиш жараёнини ташкил этиш бўйича зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш.

3.2. Ташувчи йўналишга хизмат кўрсатишни учинчи шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас.

3.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Йўналишларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқларини хизмат кўрсатиш ҳуқуқини йўқотган битта ташувчидан тендер асосида белгиланадиган бошқа ташувчига бериш ўртасидаги даврда кўрсатиб ўтилган йўналишларга (тендерсиз) тўлиқ ёхуд қисман хизмат кўрсатиш ҳуқуқини бошқа ташувчиларга вақтинчалик бериш;

ушбу контракт шартларининг бажарилишини назорат қилиш, назорат натижалари асосида, аниқ қоида бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш, «Ташувчи»га аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш вазифасини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай қоида бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

давлат тегишли органларига транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган «Ташувчи»ни қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш.

4-модда. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Буюртмачи Ташувчини йўналишларда ишлаш учун зарур шароитлар билан таъминлаш, кўча-йўл тармоғининг ҳолати туфайли йўналишларда ташувларнинг тўхтатилиши ёки чекланиши сабабларини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоратадбирлар кўрилмаганлиги, кўчаларнинг Ташувчи билан олдиндан келишилмасдан тўсилганлиги учун кўрилган зарар миқдоридида жавоб беради.

4.2. Ташувчи томонидан ушбу тендер контракти шартларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан Буюртмачи кўрилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида суд органларига даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

5-модда. Ташувчининг ҳисобот бериши

5. Ташувчи ҳар ойда Буюртмачига ушбу контрактга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича йўналишлардаги ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

6-модда. Контрактни бекор қилиш тартиби

6.1. Агар томонлардан бири контракт шартларини бузса ва иккинчи томон уларни бартараф этишнинг муддатини белгиласа, бироқ ушбу муддат ўтгандан кейин контрактни бузган томоннинг мажбуриятлари бажарилмаган бўлса, контракт бир томонлама тартибда муддатидан олдин бекор қилинади.

6.2. Контрактнинг амал қилиш муддати тугаганда ёки контракт муддатидан олдин бекор қилинганда «Ташувчи» йўналишни ўз автотранспорт воситаларидан мазкур йўналишда ишлаш ҳуқуқини ютган бошқа ташувчига контракт бериладиган кундан кечикмай бўшатиши шарт.

6.3. Томонлар контрактнинг бекор қилиниши санаси ёки унинг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида камида 10 календарь кун олдин ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари шарт.

7-модда. Бошқа шартлар

7.1. Контракт шартлари, агар фаолиятнинг ҳолатлари ва шартлари объектив равишда ўзгарса, томонлардан бирининг таклифига кўра қайта кўриб чиқиши мумкин. Таклиф этилаётган ўзгартиришлар тўғрисидаги қарорни томонлар ёзма билдиришнома олинган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида қабул қилишади.

7.2. Ташувчи томонидан контракт шартларига бутун муддат мобайнида амал қилинган тақдирда, унинг муддати узайтирилади, лекин кўпи билан уч йилга узайтирилади.

7.3. Фавқулодда ҳолатлар (зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқа табиий офатлар) пайдо бўлганда ҳамда томонлардан исталган бирининг ушбу контракт бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажариш имконияти бўлмаганда, уларни бажариш муддати бундай ҳолатлар давом этадиган муддатга тенг вақтга узайтирилади ва бу муддатда томонлар контракт мажбуриятлари бўйича жавобгарликдан озод қилинади.

7.4. Агар фавқулодда ҳолатлар 60 кундан кўпроқ давом этса, у ҳолда томонлардан ҳар бири ушбу контракт бўйича мажбуриятларни бундан кейин бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда бу ҳолда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа томон ҳисобига қоплаш ҳуқуқига эга бўлмайди.

7.5. Ушбу контрактдан ёки унинг билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган томонлар ўртасидаги барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Агар томонлар музокаралар йўли билан келишувга эришмаса, у ҳолда низо ва келишмовчиликлар суд тартибида ҳал этилади.

8-модда. Контрактнинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу контракт томонлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва _____ мобайнида амал қилади.

8.2. Ушбу контракт бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада, томонлардан ҳар бири учун бир нусхадан тузилди.

9-модда. Контрактга илова қилинаётган ҳужжатлар

9. Қуйидагилар контрактнинг узвий қисми ҳисобланади:
 йўналишнинг техник-фойдаланиш тавсифи ва унга қўйиладиган талаблар (1-илова);
 йўналиш схемаси (2-илова);
 ___-сон йўналишдаги ишлар устидан ҳар кунги диспетчерлик назорати шакли (3-илова);
 ___-сон йўналиш бўйича автобус/микроавтобусларнинг иш жадвали (4-илова);
 ишлар тўғрисидаги ҳисобот шакли (5-илова).

Томонларнинг юридик манзиллари, реквизитлари ва имзолари:

Ташувчи

Буюртмачи

Юридик маслаҳатчи:

Намунавий контрактга 1-илова

ЙЎНАЛИШНИНГ ТЕХНИК-ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИФИ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР


Т/р	Номи	Бирлик	Сони
1.	Йўналишнинг умумий узунлиги: тўғри йўналишда қайтишдаги йўналишда	км. км. км.	
2.	Бекатларнинг умумий сони: тўғри йўналишда қайтишдаги йўналишда		
3.	Айланишга кетадиган вақт	дақиқа	
4.	Жадваллар сони: иш кунларида дам олиш кунларида	та та та	
5.	Тигиз соатлардаги ҳаракатланиш оралиғи	дақиқа	
6.	Тигиз вақт ўртасидаги ҳаракатланиш оралиғи, кўпи билан:	дақиқа	
7.	Йўналишдаги ишнинг бошланиши	соат/дақ.	
8.	Йўналишдаги ишнинг тугаши	соат/дақ.	
9.	Йўналишдаги иш режими	ҳафтада кунлар	
10.	Сигими: ўтириш жойлари тик туриш жойлари	жойлар жойлар	
11.	1 йўловчи учун юриш тарифи	сўм	

№ 58 «ЧОРСУ Ш/б - «Олой бозори» («Ганга» дўкони орқали)
 (шаҳар йўловчи ташиш йўналиши тартиб рақами ва номи)
йўналиши схемаси

«Келишилган»
 Тошкент шаҳар ички ишлар бош
 бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги
 бошқармаси

200 й. « » _____

НАМУНА



Шартли белгилар:

≡≡ — Дарё, канал, ўзан устидаги кўприк
 ——— — Темир йўл кесишмаси: қўриқланадигани (кўк рангда)
 қўриқланмайдигани (қизил рангда)

🏠 — Автошоҳбекат
 □ — Диспетчерлик пункти
 △ — Автокасса
 ○ — Тўхташ пунктлари
 ——— — Йўл кесишмаси

Схемани тузувчи _____

+

Намунавий контрактга 3-илова

Ҳар кунги ишларнинг диспетчерлик назорати шакли
(____-сон йўналишдаги ташувчининг номи)

200__ йил «__» _____

_____ ш.

Т/р	Ҳайдовчи ва кондукторнинг Ф.И.О.	Автобус/ йўналишли таксининг русуми ва давлат рақами	Йўл варақасининг т/р	Жўнаш вақти		Етиб келиш вақти		Сотилган чипталар	
				жадвал бўйича	амалда	жадвал бўйича	амалда	сони	сўмлик

* Изоҳ. Транспорт воситаси техник носозлиги ёки шикастланиши натижасида йўналишдан муддатидан олдин қайтган тақдирда рўй берган шикастланиш вақти ва сабаби кўрсатилиши зарур.

(Диспетчернинг Ф.И.О.)

(имзо)

Намунавий контрактга 4-илова

«Тасдиқлайман»
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи ташиш транспортининг
барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш
департаменти бошлиғи

200__ йил «__» _____

_____ -сон йўналиш бўйича автобуслар/микроавтобусларнинг
200 __ йил _____ учун иш жадвали

Т/р	Ҳайдов- чининг Ф.И.О.	Тран- спорт- нинг русуми	Дав- лат т/р	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	
1																																		
2																																		
3																																		
4																																		
5																																		

- иш куни
- иш кунидан ташқари
- 1
- 2

_____ (Ташувчи раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

+

Намунавий контрактга 5-илова

200__ йил _____ учун _____ нинг иши тўғрисида ҳисобот
(ой) (ташувчининг номи)

Т/р	Йўналишнинг т/р	Йўналишнинг номи	Йўналиш очилган сана	Йўналишнинг узунлиги (км)	Ҳаракатланувчи таркиб сони	Ҳаракатланувчи таркиб русуми	Жадваллар сони		Иш режими		Қатнов оралиғи (дақиқа)	Рейс вақти (соат-дақиқа)	Рейслар сони		Ташилган йўловчилар сони		Умумий юрилган йўл (км)	Даромад		
							режа	амалда	бошланиши	тугashi			режа	амалда	режа	амалда		режа	амалда	
1																				
2																				
3																				

_____ (Ташувчи раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига
4-ИЛОВА

«Тошэлектротранс» давлат компаниясининг УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. «Тошэлектротранс» давлат компанияси (кейинги ўринларда «Компания» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ-262-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган. Компания таркибига Тошкент метрополитени, 2-трамвай депоси, 3-трамвай-троллейбус депоси, 2-троллейбус депоси, Йўллар хизмати, Шаҳар электр транспортига хизмат кўрсатиш хизмати, «Тоштатрасервис» техник марказ давлат унитар корхонаси, шунингдек шартнома асосида «Элтранстаъминот» масъулияти чекланган жамият ва «Рем-Элтранс» масъулияти чекланган жамият кирази.

2. Компания Тошкент шаҳрида истеъмолчиларга транспорт хизматлари кўрсатадиган ягона ишлаб чиқариш-хўжалик комплекси ҳисобланади.

3. Компания «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси кенгашига ҳисобот беради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

4. Компания юридик шахс — давлат унитар корхонаси ҳисобланади, мустақил ва йиғма балансларга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида тўлиқ ёзилган муҳрга эга бўлади.

5. Компаниянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари унинг таркибига кирадиган корхоналар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Компания ўз мажбуриятлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Компания ўз таркибига кирадиган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва ушбу корхоналар Компания мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

7. Компания ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби принциплари асосида амалга оширади.

8. Компания ва унинг таркибига кирадиган корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

9. Компания қуйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси, 6-уй.

II. Компаниянинг асосий мақсадлари, вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Компаниянинг асосий мақсадлари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

аҳолининг йўловчи ташиш транспортида ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шу жумладан транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатган ҳолда йўловчи ташиш электр транспорти ва Тошкент метрополитенининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш;

электр транспорти ва Тошкент метрополитенида йўловчилар ташиш бозори конъюнктурасини ўрганиш, уларнинг ривожланишини прогнозлаш;

йўллар тармоғининг барқарор ишлашини ва унинг йўловчи ташиш қувватини ошириш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

электр транспортини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш;

электр транспортини иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

Компания фаолиятининг истиқболга мўлжалланган ва йиллик дастурларини тасдиқлаш;

электр транспорти ва Тошкент метрополитенининг машиналар паркига ва уларни сотиб олиш учун маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

капитал қўйилмаларни, илмий-тадқиқотларни молиялаштириш ва умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа ишларни бажариш учун марказлаштирилган жамғармалар ва захираларни шакллантириш;

Компания корхоналари билан ўзаро иқтисодий муносабатлар принципларини ва уларни амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш.

11. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Компания қуйидаги функцияларнинг бажарилишини таъминлайди:

ташиш жараёнини тезкор бошқаришни ташкил этиш, электр йўловчи транспорти ҳаракати жадвалини ва умуман Компания бўйича йўловчилар ташиш режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз таркибига кирадиган корхоналар билан биргаликда бажариш;

фавқулодда вазиятлар шароитида электр транспорти ҳаракатини тартибга солиш ва ташкил этиш;

диспетчерлик хизматини ташкил этиш, ташишларни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш, фойдаланиш ишларини умумий ахборот билан таъминлашнинг ягона принципларини ишлаб чиқиш;

электр транспортини ва Тошкент метрополитенини ривожлантириш комплекс дастурлари лойиҳаларини, асосий фаолиятда ишлаб чиқариш-иқтисодий, молиявий кўрсаткичларнинг йиллик истиқболли прогнозларини, шунингдек ижтимоий соҳада ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида комплекс дастурлар лойиҳаларини тузиш;

электр транспорти ва Тошкент метрополитенида йўловчилар ташиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ўз таркибига кирадиган корхоналар билан биргаликда электр транспортини келгусида ривожлантиришнинг йиллик истиқболли прогнозлари ва схемалари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ишлаётган корхоналарни ва электр транспорти объектларини бюджет маблағлари ва инвестиция маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

Компания корхоналари билан биргаликда электр транспортида илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаш, принципаал жиҳатдан янги техник воситалар, технологиялар ва материаллар яратиш ва улардан фойдаланишга доир илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бажарилишини ташкил этиш, ушбу ишларни молиялаштириш;

табiiй офатлар, ҳалокатлар ва бошқа кутилмаган ишларнинг оқибатларини тугатиш учун моддий-техника ресурсларининг асосий турлари захираларини яратиш;

Компания эҳтиёжлари учун моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар билан ўзаро алоқа қилиш ва ҳамкорлик ишларини ташкил этиш;

Тошкент метрополитени ва электр транспортининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш ҳамда алоҳида даврда ишлаш учун моддий ресурсларни шакллантириш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, Компаниянинг эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда экспорт-импорт операцияларини таъминлаш;

Компания корхоналари эҳтиёжи асосида кадрларни касбга ва иқтисодий ўқитиш тизимини ташкил этиш, моддий базанинг сақланиши ва ривожланишини таъминлаш;

кадрлар ва мутахассисларни ўқув юртларида тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг ишлаб чиқаришда малакасини ошириш ҳамда тажриба орттиришини таъминлаш;

Компания ходимларининг транспорт ҳаракати ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган иш шароити хусусиятларини, иш вақти режими ва дам олиш вақтини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш.

12. Компания санаб ўтилган функцияларни бажариш билан бирга:

электр транспортдан фойдаланиш қоидалари талабларига риоя этилиши, ҳаракат хавфсизлиги ҳолати ва транспортнинг сақланиши устидан назоратни амалга оширади, ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини ўрганиб чиқади, ҳалокатлар, экологик офатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширади, хавф юқори бўлган зоналарда бўлиш ва у ерда иш олиб бориш қоидаларини ишлаб чиқади;

транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган, шунингдек зарарли ноқулай меҳнат шароитлари таъсирига учрайдиган ходимларни тиббий текширувдан ва кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди;

транспортнинг сафарбарлик тайёргарлиги, фуқаролар муҳофаази бўйича ишлар олиб борилишини ташкил этади;

метрополитеннинг ўзига хослигини ҳисобга олиб сафарбарлик тайёргарлигининг ягона методикасини ишлаб чиқади;

алоҳида даврда ташишларни бажариш масаласи бўйича манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишни, давлат сафарбарлик захирасида ва маҳсус захирада техник воситалар ва моддий бойликлар сақланишини таъминлайди;

давлат сирларини ҳимоя қилиш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини белгиланган тартибда аниқлайди.

III. Компания фаолиятини бошқариш

13. Компания фаолиятини бошқариш ижро этувчи орган — «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг тақдимномасига кўра Тошкент шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор томонидан амалга оширилади.

14. Компания директорининг Тошкент шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ўринбосари — бош муҳандис бўлади.

Компания директори ва унинг ўринбосари лавозимига кўра Бошқарув таркибига киради.

15. Компания директори:

Компания фаолиятига раҳбарлик қилади ва Компанияга юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва мазкур Уставга риоя қилиниши, директор ўринбосари, бўлимлар, хизматлар ва шўъбалар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши учун шахсан жавоб беради, уларнинг Компания фаолияти масалаларини ҳал этишдаги ваколатларини белгилайди;

Компания корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти йиллик ҳисоботлари ва балансларини тасдиқлайди;

Компания маблағларини ўз ваколатлари доирасида ишончномасиз, белгиланган тартибда тасарруф этади, банкларда ҳисоб рақамлари очади, Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида, республика давлат органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатларда Компания манфаатларини ифодалайди, Компания номидан шартномалар тузади, бундай шартномалар тузиш учун ишончномалар беради;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

Компаниянинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

Компания таркибига кирадиган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда таклифлар киритади;

рентабелсиз корхоналарнинг келгусида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ эканлиги ёки эмаслиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

Компания ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорларини тасдиқлайди, шунингдек хўжалик фаолияти якунлари бўйича ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади ва таклифларни тасдиқлайди;

лавозимлар номенклатурасини тасдиқлайди ва унга мувофиқ Компания ходимларини ишга қабул қилади, ишдан бўшатади, алмаштиради ва бошқа ишга ўтказиши;

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

лавозим маошларини ва уларга устамаларни, шунингдек аппарат ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида турли қўшимча ҳақ ва компенсация тўловларини белгилайди, Компания ходимларини рағбатлантиради;

Компаниянинг илғор ходимларини белгиланган тартибда фахрий ёрликлар билан мукофотлайди, рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаб;

Компания ходимларининг айрим тоифалари учун кийим-бош шакли ва фарқлаш белгиларини белгиланган тартибда жорий этади.

IV. Компаниянинг устав фонди, мол-мулки, маблағлари ва молияси

16. Компаниянинг устав фонди Компания таркибига кирадиган корхоналарнинг балансидаги давлат мол-мулки ҳамда «Элтранстаъминот» масъулияти чекланган жамият ва «Рем-Элтранс» масъулияти чекланган жамиятнинг давлат улуши ҳисобига шаклланади.

17. Асосий ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати Компания балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ва пул маблағлари Компаниянинг мол-мулкини ташкил этади.

18. Компаниянинг мол-мулки тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан Компанияга тегишли бўлади.

19. Компаниянинг мол-мулки қўйидаги манбалар ҳисобига ҳосил бўлади: тугатилган «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси мол-мулкининг ҳуқуқий ворислик ҳуқуқи билан тегишли қисми; хизматлар кўрсатишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

Компания томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлардан тушган даромадлар; банк ва бошқа кредиторларнинг кредитлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

20. Компания ўз тасарруфида бўлган мол-мулк ва маблағлардан таркибига кирадиган корхоналарнинг манфаатлари учун фойдаланади, ҳар қандай кўчар ва кўчмас мулкни белгиланган тартибда қуриши, реконструкция қилиши, сотиб олиши, олиши ва ижарага бериши, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин.

21. Компаниянинг хўжалик фаолияти натижасида Компания оладиган фойда қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар тўлангандан кейин Компаниянинг мулки бўлиб қолади ва ундан Компания жамғармаларини ташкил этиш учун фойдаланилади.

V. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат

22. Компания ўз фаолияти натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини юритади, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини амалга оширади.

23. Компания давлат бошқарув органларига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги зарур маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этади.

VI. Компания фаолиятини тўхтатиш

24. Компания фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

30 Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 январда 1542-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 31 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармони ва 2006 йил 11 январдаги ПҚ–255-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)-нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин амалга киритилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 январь,
13-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи
билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг, шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини фермер хўжалиги юритиш учун сотиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

I. Умумий қоидалар

1. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг мол-мулк ва ер участкаларини комплекс хатловдан ўтказиш ҳамда ер фондини қайта тақсимлаш лойиҳасини (схемасини) ишлаб чиқиш белгиланган тартибда ташкил этилган Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади.

2. Боғ ва узумзорлари мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида комплекс хатловдан ўтказиш ҳамда ер фондини қайта тақсимлаш лойиҳасини (схемасини) ишлаб чиқиш жараёнида қўйидагилар амалга оширилиши шарт:

боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкалари ва экин майдонлари аниқланади;

келгусида фойдаланишга яроқсиз бўлган боғлар ва узумзорлар жойлашган ер участкалари аниқланади;

боғ ва узумзор жойлашган ер участкаси чегаралари (кейинги ўринларда — лойиҳа) шакллантирилади ҳамда ҳар бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорларнинг баланс қиймати аниқланади. Боғ ва узумзорлар жойлашган лойиҳаларни шакллантиришда ер майдонининг бутунлиги (яхлитлиги) бузилмаслиги, бироқ ҳар бир лойиҳанинг майдони 1 гектардан кам бўлмаслиги лозим;

экин майдонлари лойиҳалари шакллантирилади.

Агар мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашмаган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулк ва ер участкаларини комплекс хатловдан ўтказиш жараёнида тегишли лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорлар келгусида фойдаланишга яроқсиз бўлса, Махсус комиссия туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан биргаликда мазкур лойиҳадаги ер участкасини экин майдони сифатида танловга қўйиш тўғрисида туман хокимига таклиф киритади.

3. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг экин майдонларида ташкил этиладиган фермер хўжаликлари Махсус комиссиялар томонидан очик ва ошқора танлов ўтказиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг натижаларига кўра, бошқа тенг шартлар бўлгани ҳолда, мазкур участкада оилавий пудрат асосида ишлаган ширкат аъзоларига ғолиблик ҳуқуқи берилади. Мазкур танловлар Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь) талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилади.

4. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон фармонида мувофиқ, кимошди савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажи ва малакаларига эга бўлган даъвогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон қарорига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари)нинг боғ ва узумзорлари мазкур қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимошди савдосида сотилиши мумкин.

5. Кимошди савдолари аукцион шаклида ўтказилади.

6. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг умумий йиғилиши бир талабгорга сотилиши мумкин бўлган боғ ва узумзор сонини чеклаши мумкин. Мазкур чеклов ширкат аъзолари ва пайчиларининг сони ҳамда мавжуд боғ ва узумзорлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ 2 та боғ ва узумзордан кўп бўлмаслиги лозим. Мазкур чеклов кимошди савдоларига эълон беришдан олдин умумий йиғилиш қарори билан қабул қилинади ҳамда барча боғ ва узумзорлар бўйича кимошди савдолари яқунлангунга қадар ўзгармаслиги лозим.

II. Кимошди савдоларини ташкил этиш тартиби

7. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг мол-мулк ва ер участкаларини комплекс хатловдан ўтказилгандан ҳамда ер фондини қайта тақсимлаш лойиҳаси (схемаси) ишлаб чиқилгандан сўнг Махсус комиссия кимошди савдосини ўтказиш кунидан камида бир ой олдин кимошди савдоси ўтказилиши тўғрисида хабар беради.

Хабар эълон шаклида берилиб, эркин танишиш имконини яратган ҳолда, қонда тарикасида, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) нинг биносига осиб қўйилади. Эълонни қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкатининг) барча боғ ва узумзорлари бўйича кимошди савдолари яқунлангунга қадар олиб қўйиш қатъиян тақиқланади.

Очиқ кимошди савдоси ўтказилган тақдирда, эълон қўшимча равишда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳам берилиши лозим.

8. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

кимошди савдосини ўтказиш санаси (бошланиш соатини кўрсатган ҳолда) ва жойи;

бир талабгорга сотилиши мумкин бўлган боғ ва узумзор сонига нисбатан умумий йиғилиш томонидан ўрнатилган чеклов;

кимошди савдосининг шакли (очиқ ёки ёпиқ аукцион) ҳамда мазкур Низомнинг 4 ва 29-банди талабларига мувофиқ кимошди савдосида қатнашиши мумкин бўлган шахслар (кейинги ўринларда — талабгор);

кимошди савдосида қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва уларни қабул қилишни тўхтатилиш санаси;

кимошди савдосига қўйилаётган боғ ва узумзорларнинг бошланғич нархи (улар жойлашган лойиҳани кўрсатган ҳолда). Бунда, боғ ва узумзорнинг баланс қиймати Махсус комиссия томонидан бошланғич нарх этиб белгиланади;

кимошди савдосида қатнашиш учун тўланадиган закат пули миқдори, муддати ва тартиби, шу жумладан закат пули ўтказилиши лозим бўлган банк ҳисоб-рақами реквизитлари;

кимошди савдоси яқунларига кўра ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби ҳамда томонларнинг жавобгарлиги;

кимошди савдосида қолиб чиққан талабгорга тегишли боғ ва узумзор жойлашган ер участкаси фермер хўжалиги юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилиши ҳамда мазкур ер участкасининг майдони ва балл-бонитетига мутаносиб равишда тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг актив ва пасивлари тақсимланиши тўғрисида ахборот;

бирон бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорга ўтказиладиган ёпиқ кимошди савдосига қатнашиш учун талабгорлар бўлмаганлиги ёки унда фақат битта талабгор қатнашганлиги сабабли кимошди савдоси ўтказилмаган тақдирда, савдони ўтказиш бир ҳафта муддатга кечиктирилиши тўғрисидаги ахборот.

9. Закалат пули миқдори Махсус комиссия томонидан ҳар бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзор бўйича аниқ белгиланади, бироқ тегишли боғ ва узумзор бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Закалат пули қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкатининг) тугатиш ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулда тўланиши мумкин.

10. Ёпиқ кимошди савдосида қатнашиш учун талабгор Махсус комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кимошди савдосида иштирок этиш ҳақидаги икки нусхада ариза. Аризада лойиҳа рақами аниқ кўрсатилиши шарт;

белгиланган миқдорда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)да аъзоликни тасдиқловчи ҳужжатлар. Ширкат хўжалигининг таъсис йиғилишида тасдиқланган аъзолар таркиби рўйхати нусхаси (ёки аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги умумий йиғилиш қарори нусхаси) ҳамда мазкур аъзо аъзолардан чиқмаганлигини тасдиқловчи қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг маълумотномаси аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) аъзоларининг биринчи талабига биноан бир кундан кечиктирмай аъзоликни тасдиқловчи ҳужжатларни бериши шарт;

талабгорнинг мулкӣ пайга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

агар кимошди савдосида талабгорнинг вакили қатнашса, мазкур вакилга кимошди савдосида талабгор номидан қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

11. Талабгор фақат битта лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорларнинг кимошди савдосида қатнашиш учун ариза тақдим этишга ҳақли.

Махсус комиссия раиси ва котиби кимошди савдосида қатнашиш учун ариза тақдим этишга ҳақли эмас.

12. Кимошди савдосида қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказишга 2 соат қолганда тўхтатилади.

13. Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Махсус комиссия котиби томонидан қабул қилинади. Махсус комиссия котиби аризанинг иккинчи нусхасини қабул қилинган ҳужжатлар рўйхати ва санасини кўрсатган ҳолда имзолайди ва талабгорга қайтариб беради.

Махсус комиссия талабгорга ҳужжатларни қабул қилишни рад этиши мумкин эмас.

14. Махсус комиссия томонидан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда Кимошди савдосида қатнашиш учун тақдим этилган аризаларни рўйхатга олиш китоби юритилади. Мазкур китоб тикилган, рақамланган ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатининг) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Махсус комиссия томонидан қабул қилинган барча аризалар мазкур китобда рўйхатга олиниши шарт.

15. Махсус комиссия котиби кимошди савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорларга кимошди савдосида қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни тўлдириш ва расмийлаштиришда амалий ёрдам бериши шарт.

16. Махсус комиссия ариза қабул қилинган куниёқ талабгорга боғ ва узумзор жойлашган лойиҳа ҳамда талабгорнинг махсус рақами кўрсатилган чипта беради ҳамда бу тўғрида талабгор томонидан Кимошди савдосида қатнашиш учун тақдим этилган аризаларни рўйхатга олиш китобида тегишли имзо қўйилади. Шунингдек,

талабгорга кимошди савдоси давомида фойдаланиш учун махсус рақам белгиси берилди ва у аукцион яқунлангандан сўнг талабгор томонидан қайтарилиши шарт.

17. Қуйидаги ҳолларда Махсус комиссия томонидан кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган шахсга унда иштирок этиш рад этилади:

ёпиқ кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган шахс қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатининг) аъзоси ёки пайчиси бўлмаса, шу жумладан бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатининг) аъзоси ёки пайчиси бўлса;

кимошди савдосида қатнашиш учун ҳужжатлар уларни қабул қилиш расман тўхтатилгандан сўнг тақдим этилса ёки агар бирон бир боғ ва узумзор бўйича мазкур Низомнинг 28-банди талаблари асосида кимошди савдоси кечиктирилган бўлса, мазкур боғ ва узумзор бўйича ўтказиладиган кимошди савдоси бошлангунга қадар 2 соатдан кам вақт қолганда тақдим этилса;

талабгор мазкур Низомнинг 10 ва 30-бандларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаса;

ариза мазкур Низомнинг 11 ва 29-бандлари талабларига зид равишда тақдим этилган бўлса.

Бошқа асосларга қўра кимошди савдосида қатнашишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Кимошди савдосида қатнашиш рад этилганлиги тўғрисида Махсус комиссия томонидан, ариза қабул қилинган куниёқ, рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда ёзма хабар берилади.

Мазкур Низомнинг 10 ва 30-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли танловда қатнашиш рад этилган талабгор ҳужжатлар тақдим этишнинг охириги кунига қадар тегишли камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайтадан ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли.

18. Талабгор кимошди савдоси ўтказилгунга қадар ўз аризасини ёзма мурожаати асосида қайтариб олиши мумкин. Бунда, талабгор томонидан тўланган закат пули Махсус комиссия томонидан мурожаат келиб тушган кундан бошлаб уч банк иш кунидан кечиктирмай талабгорга қайтарилиши шарт.

III. Аукционни ўтказиш тартиби

19. Аукцион эълонда белгиланган вақтда, қоида тариқасида, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкатининг) биносида ўтказилади.

Аукционда талабгордан ташқари бошқа шахслар, шу жумладан қишлоқ фуқаролар йиғини ва Жамоатчилик кенгаши вакиллари кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

20. Аукцион Махсус комиссия томонидан ўтказилади. Бунинг учун Махсус комиссия аъзолари орасидан аукциончини белгилайди. Аукционни ўтказишга тегишли малакага эга бўлган аукциончи жалб этилиши мумкин.

21. Аукцион ҳар бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзор (кейинги ўринларда — аукцион объекти)га алоҳида ўтказилади.

Бунда, дастлаб аукцион бошланғич нархи энг юқори бўлган аукцион объекти бўйича ўтказилади, кейинги аукцион объектлари бўйича эса уларнинг бошланғич нархи камайиб боришига қараб кетма-кетликда ўтказилади.

22. Ҳар бир аукцион объекти бўйича аукционда фақат ушбу аукцион объекти бўйича ариза берган талабгор иштирок этишга ҳақли, мазкур бандда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ёпиқ аукцион давомида аукционда ғолиб чиқмаган талабгор то бошқа аукцион объекти бўйича ғолиб чиққунга қадар кейинги аукцион объекти (объектлари) бўйича ҳам аукционларда иштирок этишга ҳақли.

Бу ҳолда, аукционда ғолиб чиқмаган талабгордан кейинги аукцион объекти бўйича аукционда иштирок этиш учун қўшимча закат пули тўлаш талаб этилмайди. Талабгор томонидан аввал тўланган закат пули кейинги аукцион объекти бўйича закат пули сифатида тан олинади.

Агар мазкур Низомнинг 6-банд талабларига мувофиқ, умумий йиғилиш томонидан чеклов 2 та боғ ва узумзор қилиб белгиланган бўлса, ёпиқ аукцион давомида аукционда ғолиб чиқмаган талабгор 2 та аукцион объекти бўйича ғолиб чиққунга қадар кейинги аукцион объекти (объектлари) бўйича ҳам аукционларда иштирок этишга ҳақли.

Бу ҳолда, битта аукцион объекти бўйича ёпиқ аукционда ғолиб чиққан талабгор кейинги аукцион объекти бўйича ҳам аукционда иштирок этиш истагини билдирса, мазкур талабгор кейинги аукцион объекти бўйича аукцион бошлангунга қадар тегишли закат пулини тўлаши шарт. Бундай талабгорларга зарур шароит яратиш мақсадида Махсус комиссия закат пулини қабул қилиш ва уни тўланганлигини тасдиқловчи касса ҳужжатини бериш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ҳазиначиси (ҳисобчисини) аукцион давомида доимий хозир бўлишини ҳамда ҳар бир аукцион объекти бўйича аукцион олдинги аукцион объектига аукцион яқунлангандан сўнг, қоида тариқасида, ярим соатдан сўнг бошланишини таъминлаши шарт.

23. Ҳар бир аукцион объекти бўйича аукцион бошида аукциончи аукционда иштирок этаётган талабгорлар ва уларнинг махсус рақам белгисини, аукцион объекти ва унинг бошланғич нархини ҳамда аукцион қадамини эълон қилади.

Аукцион қадами Махсус комиссия томонидан белгиланади ва аукцион объекти бошланғич нархининг 5 фоизидан кам, лекин 10 фоизидан юқори бўлмаслиги лозим.

24. Аукциончи фақат қуйидаги талабгорларни аукционда иштирок этаётган талабгорлар сифатида эълон қилиши мумкин:

1) тегишли аукцион объектига кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган талабгорни;

2) олдинги ўтказилган аукцион объекти (объектлари) бўйича аукционда ғолиб чиқмаган, лекин кейинги аукционда ҳам иштирок этиш истагини билдирган талабгорларни;

3) олдинги ўтказилган фақат битта аукцион объекти бўйича аукционда ғолиб чиққан талабгорларни, агар мазкур Низомнинг 6-банд талабларига мувофиқ, умумий йиғилиш томонидан чеклов 2 та боғ ва узумзор қилиб белгиланган бўлса ҳамда ушбу талабгор эълон қилинаётган аукцион объекти бўйича белгиланган закат пулини тўлаган ва буни тасдиқловчи касса ҳужжатини Махсус комиссияга тақдим этган бўлса.

25. Аукцион нархнинг ўсиб бориши тартибида ўтказилади.

Бунда, аукциончи дастлаб бошланғич нархдан кейинги биринчи қадамдаги нархни эълон қилади ва биринчи бўлиб ўз махсус рақам белгисини кўтарган талабгорни кўрсатади. Бошқа талабгорлар томонидан ҳам махсус рақам белгиси кўтарилган тақдирда, аукциончи тегишли қадамга мувофиқ кейинги нархни эълон қилади.

Аукцион шу тарзда энг юқори нархни таклиф қилган талабгорни аниқлашга қадар давом этади.

Таклиф қилинган энг юқори нарх уч марта такрорлагандан сўнг ҳам иштирокчилардан бирортаси ўз рақам белгисини ушбу нархга кўтармаса, кимошди савдоси яқунланади ва аукциончи томонидан қайси талабгорнинг махсус рақам белгиси охириги

марта эълон қилинган бўлса, ана шу талабгор кимошди савдосининг ғолиби ҳисобланади.

Аукцион якунида аукциончи боғ ва узумзорнинг сотилганлигини, сотув нархини ва ғолибнинг рақамини эълон қилади.

Ёпиқ аукцион якунида аукциончи ғолиб чиқмаган талабгорлар кейинги аукцион объекти (объектилари) бўйича аукционда иштирок этиши мумкинлигини ҳамда (агар мазкур Низомнинг 6-банд талабларига мувофиқ, умумий йиғилиш томонидан чеклов 2 та боғ ва узумзор қилиб белгиланган бўлса) фақат битта аукцион объекти бўйича ғолиб чиққан талабгорлар кейинги аукцион объекти бўйича тегишли закат пулини тўлаган ҳолда иштирок этиши мумкинлигини қўшимча равишда эълон қилади.

26. Аукционда ғолиб чиққан талабгор ҳамда Махсус комиссия раиси ва аъзолари аукцион ўтказилган куни аукцион натижалари тўғрисида 3 нусхада баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади.

Баённоманинг бир нусхаси аукционда ғолиб чиққан талабгорга берилади, иккинчи нусхаси ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор чиқариш учун белгиланган тартибда туман ҳокимига юборилади, учинчи нусхаси кимошди савдосига оид ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

Агар аукционда ғолиб чиққан талабгор баённомани имзолашдан бош тортса, кимошди савдоси қайтадан эълон қилинади ва ўтказилади ҳамда талабгор тўлаган закат пулидан маҳрум бўлади. Бунда, агар баённомани имзолашдан ёпиқ аукционда ғолиб чиққан талабгор бош тортган бўлса, қайта эълон қилинган кимошди савдоси ҳам албатта ёпиқ аукцион шаклида ўтказилади.

27. Аукцион ғолиби аукцион объекти учун таклиф қилган суммани 15 банк иш куни ичида тугатиш ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул билан тўлаши шарт. Бунда талабгор томонидан тўланган закат суммаси аукцион объекти учун тўловни амалга оширишда ҳисобга олинади.

Аукцион ғолиби тўлов бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кимошди савдоси қайтадан эълон қилинади ва ўтказилади. Ўзининг мажбуриятини бажармаган ғолиб кимошди савдосида қатнашиш учун тўлаган закат пулидан маҳрум бўлади. Бунда, агар ўз мажбуриятларини ёпиқ аукционда ғолиб чиққан талабгор бажармаган тақдирда, қайта эълон қилинган кимошди савдоси ҳам албатта ёпиқ аукцион шаклида ўтказилади.

28. Агар бирон бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорга ўтказиладиган ёпиқ кимошди савдосига қатнашиш учун талабгорлар бўлмаса ёки унда фақат битта талабгор қатнашса, аукцион ўтказилмаган ҳисобланади ва уни ўтказиш Махсус комиссия қарори билан бир ҳафта муддатга кечиктирилади. Ушбу аукционда қўйидагилар қатнашишга ҳақли:

кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган, бироқ ўтказилган кимошди савдоларининг ҳеч бирида ғолиб чиқмаган талабгорлар;

кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган, бироқ фақат битта аукцион объекти бўйича ўтказилган аукционда ғолиб чиққан талабгорлар, агар мазкур Низомнинг 6-банд талабларига мувофиқ, умумий йиғилиш томонидан чеклов 2 та боғ ва узумзор қилиб белгиланган бўлса;

кимошди савдосида қатнашиш учун ариза бермаган ва иштирок этмаган, бироқ кечиктирилган аукцион бошлангунгача 2 соат қолгунга қадар аукционда қатнашиш учун мазкур Низом талабларига мувофиқ барча ҳужжатларни тақдим этган қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг аъзолари ва пайчилари.

Кечиктирилган аукцион мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади. Агар ушбу аукционда ҳам қатнашиш учун талабгорлар бўлмаса ёки битта талабгор қатнашса, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) умумий йиғилишининг қарори билан мазкур боғ ва узумзорни очиқ кимошди савдосида сотиш тўғрисида эълон берилиши мумкин.

29. Боғ ва узумзорларни очиқ ким ошди савдосида сотиш мазкур соҳада муайян иш стажи ва малакаларига эга бўлган ҳар қандай шахслар ўртасида амалга оширилади.

Очиқ кимошди савдосида талабгор қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг фақат битта лойиҳасида жойлашган боғ ва узумзор бўйича кимошди савдосида қатнашиш учун ариза тақдим этишга ҳақли.

Шунингдек, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг 2 та лойиҳасида жойлашган боғ ва узумзорлар бўйича ўтказилган кимошди (шу жумладан ёпиқ ким ошди) савдоларида ғолиб чиққан талабгорлар мазкур очиқ кимошди савдосида иштирок этишга қўйилмайди.

30. Очиқ кимошди савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахс савдода қатнашиш учун Махсус комиссияга боғдорчилик ва узумчилик соҳасида иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхасини ҳамда мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши шарт (10-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар бундан мустасно).

Қуйидаги ҳужжатлар мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иш стажи ва малакани тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида тан олиниши мумкин:

мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонасида камида 1 йил муддат давомида ишлаганлиги (ишлаётганлиги) кўрсатилган меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

талабгорнинг 1 йилдан ортиқ муддат давомида ижара, пудрат ёки меҳнат шартномалари асосида боғ ва узумзорларни яратиш, парваришlash ва сақлаш билан боғлиқ ишларни бажарганлигини тасдиқловчи тегишлича ижара шартномаси, пудрат шартномаси ёки меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари;

мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида мутатахассисликни тасдиқловчи таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари;

мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иш стажи ва малакани тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

31. Очиқ кимошди савдосида талабгорлар фақат ариза берган аукцион объектлари бўйича аукционда қатнашиши мумкин ва бундай аукционни ўтказишда мазкур Низомнинг 24-банди талаблари тадбиқ этилмайди.

32. Қуйидаги ҳолларда кимошди савдоси Махсус комиссиянинг қарорига мувофиқ қайтадан эълон қилинади ва ўтказилади:

1) кимошди савдоси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда;

2) мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топилиши унинг натижаси тўғрисида тузилган баённоманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

33. Кимошди савдосида қатнашиш учун тўланган закат пули Махсус комиссия томонидан қуйидаги муддатларда ва тартибда қайтарилади:

кимошди савдосида қатнашиш рад этилган шахсларга — рад этилган кундан бошлаб уч банк иш кунидан кечиктирмай;

очиқ кимошди савдосида ғолиб чиқмаган талабгорларга — аукцион ўтказилган кундан бошлаб уч банк иш кунидан кечиктирмай;

ёпиқ кимошди савдосида ғолиб чиқмаган талабгорларга — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) нинг энг охирги боғ ва узумзори бўйича ўтказилган аукцион кунидан бошлаб уч банк иш кунидан кечиктирмай;

агар аукцион мазкур Низомнинг 28-банди талабларига мувофиқ кечиктирилган бўлса, лекин мазкур аукционда ҳам талабгорлар бўлмаганлиги ёки фақат битта талабгор қатнашганлиги сабабли қайта кимошди савдоси эълон қилинган бўлса — қайта кимошди савдоси ўтказиш тўғрисида Махсус комиссия қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч банк иш кунидан кечиктирмай. Бунда, талабгорнинг ёзма мурожаатига кўра, мазкур закат пули қайтарилмасдан, кейинги кимошди савдоси ҳисобига қабул қилиниши мумкин;

нақд пул кўринишида тўланган закат пули нақд пулда, пул ўтказиш йўли билан тўланган закат пули эса пул ўтказиш йўли билан қайтарилади.

IV. Боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқни ҳамда ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш

34. Кимошди савдосида ғолиб чиққан талабгор боғ ва узумзор учун тўловни тўлиқ тўлаганидан сўнг Махсус комиссия кейинги кундан кечиктирмай кимошди савдоси натижаси тўғрисидаги баённомани боғ ва узумзор жойлашган ер участкасини фермер хўжалиги юритиш учун бериш тўғрисида қарор чиқариш учун туман ҳокимига юборади.

Туман ҳокими уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни ҳамда кимошди савдоси натижаси тўғрисидаги баённоманинг бир нусхасини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади.

Боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда ижара шартномасида фермер хўжалигининг қўйидаги мажбуриятлари албатта назарда тутилиши лозим:

мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;

боғ ва узумзорлардан, шунингдек ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

V. Яқуний қоидалар

35. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкатининг) боғ ва узумзорларини кимошди савдосида сотиш билан боғлиқ барча ҳужжатлар Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом (2005 йил 19 ноябрь, рўйхат рақами 1523) да белгиланган тартибда алоҳида йўғма жилдларда юритилади ва сақланади. Уларда кимошди савдосига берилган эълон, талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, аукцион натижаси тўғрисидаги баённоманинг бир нусхаси ҳамда кимошди савдосини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар тикилиши шарт.

36. Боғ ва узумзорларни кимошди савдосида сотишдан тушган маблағлар, энг

аввало, тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг кредиторлик қарзини узишга йўналтирилади, маблағларнинг қолган қисми қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг пайчилари ўртасида уларнинг пайларига мутаносиб равишда тақсимланади.

37. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва «Ўзме-васабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг компанияси билан келишилган.

Давлат мулк қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 январь

**«Ўзме-васабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг компанияси
бошқаруви раиси А. АЮПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 18 январь

—

+

+

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ
хўжалиги кооперативлари(ширкатлари)нинг
боғ ва узумзорларини сотиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

4-5 (192-193)-сон

**Кимошди савдосида қатнашиш учун тақдим этилган аризаларни
рўйхатга олиш китоби**

№	Ариза берган шахснинг Ф.И.Ш.	Лойиҳа рақами	Боғ ва узумзорнинг бошланғич нархи	Кимошди савдосига эълон берилган сана	Аризани қабул қилинган санаси	Закалат суммаси ва уни тўлан- ганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати рақами ва санаси	Чипта ва махсус рақамли белгини берилган- лиги санаси ва талабгор имзоси	Кимошди савдосида қатнашиш рад этилганлиги тўғрисидаги хат рақами ва санаси	Аукцион ўтказилган кун	Аукцион натijasи (ғолиб чиқди ёки ғолиб чиқмади) ҳамда ғолиб чиққан лойиҳа рақами	Боғ ва узумзор учун тўланган сумма ва тўлов ҳужжати санаси ва рақами	Ер участтқаси учун туман ҳокимига юбориш санаси	Бошқа маълумотлар*

* Бошқа маълумотлар сатрида закалат пулини қайтаришга доир (тўлов ҳужжати санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда), кимошди савдосини кечиктиришга ва қайта ўтказишга доир (қайта ўтказиш асосларини кўрсатган ҳолда) ҳамда кимошди савдосини ўтказишга оид бошқа барча маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

31 Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радио-
эшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир
этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма
қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома-
ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 январда 1543-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 4 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида», «Радиочастоталар спектри тўғрисида», «Фуқаролар мурожаати тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини шириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 293-сон, 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалдаги ЎзПТАнинг 1999 йил 26 июль 278-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 9 июль 767-сон билан рўйхатдан ўтган «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари М.М. Сангилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 12 январь,
9-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 21 январдан 3 февралгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)-нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи.*

2006 йил 21 январда 1542-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 31 январдан кучга киради).

2. «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 12 январдаги 9-сонли буйруғи.*

2006 йил 25 январда 1543-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 февралдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида чет эл ҳаво кемалари парвозлари учун дипломатик (махсус) рухсатномалар бериш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2006 йил 18 январдаги 73-сон буйруғи (хизматда фойдаланиш учун).*

2006 йил 26 январда 1544-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 5 февралдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тасдиқланган (1999 йил 9 июль, рўйхат рақами 767).*

Адлия вазирининг 2006 йил 25 январдаги 14-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

-

+